

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМЛИ УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК: 338.075

НАРМЕТОВА ДИЛАФРУЗ АЗАМАТОВНА

**“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарорлиги ва уни
баҳолаш йўллари”**

(“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси мисолида) мавзусида

**5А 230301 – “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил
этиш” (тармоқлар бўйича) мутахассислиги бўйича**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

диссертация

Илмий раҳбар:

и.ф.д,проф. Т.Дустжонов

Мундарижа

Кириш	3
1-боб. КБХТ барқарорлиги ва уни баҳолашнинг назарий-услубий асослари	
1.1 КБХТ нинг моҳияти ва ижтимоий – иқтисодий асослари.....	8
1.2 Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолияти.....	14
1.3 КБХТ нинг молиявий ресурс манбалари ва барқарорлик кўрсаткичлари.....	31
2-боб. КБХТ субъектлари барқарорлигини баҳолаш усуллари	
2.1 КБХТ нинг ҳаётий циклининг дескриптив модели ва уни бошқаришни самарали ташкил этиш усуллари.....	43
2.2 КБХТ субъектларининг барқарорлик омиллари ва уларни баҳолаш усуллари.....	51
2.3 Ўзбекистонда КБХТ барқарорлиги ва ривожлантириш истиқболлари.....	63
3-боб. «Урганч Пазанда» хусусий корхонаси барқарорлигини ошириш омиллари ва уларни баҳолаш масалалари	
3.1 «Урганч Пазанда» хусусий корхонасининг ташкил топиши ва фаолияти таҳлили.....	68
3.2 «Урганч Пазанда» хусусий корхонасининг барқарорлигини баҳолаш ва ривожланиш йўналишлари.....	73
Хулоса.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ушбу диссертация ишида ривожланган мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (КБХТ)нинг барқарорлигини таъминлаш, унинг иқтисодиётдаги улушини ошириш, аҳоли бандлигини ошириш ва янги иш ўринларини яратишдаги ўрни ҳамда давлатнинг КБХТ тараққиёти учун яратиб берган имкониятлари ва аниқ чора –тадбирлари аҳамияти татқиқ қилинган.

Хозирги даврда мамлакатимиз миллий иқтисодиёти ривожланишида унинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб тарзда кириб боришида кичик бизнес субъектлари муҳим роль ўйнайди. Ҳақиқатдан ҳам ,кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари кенг фаолият юритган жойларда аҳолини иш ўринлари билан таъминлаш улар даромадларини ошириш, ишбилармонларнинг инновацион ва инвестицион ташаббусларини ривожлантириш ва рағбатлантириш,умуман миллий иқтисодиётнинг жадал суръатлар билан ўсишига эришилади. Шу билан бирга миллий иқтисодиёт ушунининг салмоқли омили бўлган КБХТнинг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини тадқиқ қилиш алоҳида муҳим аҳамият касб қилмоқда. Чунки бу замонавий иқтисодий ўсиш омили ўз ўрнида барқарорлигини мустаҳкамлаш учун давлатнинг ҳуқуқий , ташкилий, иқтисодий ва маънавий қўллаб қувватлашини тақозо қилиши,айниқса, жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози ва унинг оқибатларини бартараф қилиш даврида янада яққалроқ намаён бўлди.

“Фақат эътиборингизни шунга қаратмоқчиманки, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги,бозор конъюнктураси ўзгаришларига ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши,-деб уқтиради И.Каримов,-уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини

яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради”.¹

Мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни ва мутоносибликни таъминлаш мақсадида мустақилликни дастлабки йиллардан бошлаб миллий иқтисодиётдан чуқур таркибий ислохатларни амалга оширишга киришилди. Иқтисодиёт ўсиш омиллари – инвестиция, меҳнат ресурслари, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни ривожлантириш сиёсатини олиб борилиши натижасида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нинг ўсиш суръати юқори бўлишига эришилди. Юртимиз халқаро ҳамжихатлик ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг таркибий қисмига кирди.

Шу сабабли, ҳозирги кунда кичик бизнес субъектлари учун иқтисодиёт тармоқлари жозибадорлигини зарарсизлик таҳлили ёрдамида аниқлаш, кичик бизнес субъектлари “ ҳаётий циклини ” узайтириш, уларни барқарор ва мутаносиб ривожланишини мониторинг қилиб боришни таъминлайдиган қўшимча статистик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, республикамиз минтақаларида кичик бизнес ривожланиш тенеденциялари, истиқболларини эконометрик моделлаштириш, башоратлаш каби илмий-амалий муаммоларини ҳал қилиш ва амалий тадбиқ этишга ҳақиқий зарурат туғилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади республикамизда кичик бизнес ривожланиш жараёнлари барқарорлигини ва яшовчанлигининг назарий-услубий асосларини такомиллаштириш ҳамда устивор ривожланишини таъминлаш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тафсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифалар белгиланди:

¹ И.Каримов. “Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, уни Ўзбекистон шароитида бартараф этишнинг йўллари ва чоралари”.Т.: “Ўзбекистон”, 2009, 46-бет.

- республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиш замини, шаклланиши босқичлари ва жараёнларини аниқлаш, барқарорлик кўрсаткичларини ўрганиш;

- республикада кичик бизнесни кўллаб-қувватлашда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, тадбиркорликнинг барқарор ривожланишини рағбатлантиришнинг усуллари такомиллаштириш;

- миллий иқтисодиётда кичик бизнеснинг барқарор ривожланиши асосларини, бозор механизми, жумладан, фирмаларнинг нормал фойда олиш учун рақобатчилик муҳити шароитида кичик бизнес субъектлари кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

- республика ва Хоразм вилоятида, шу жумладан, “Урганч Пазанда” хусусий кархонаси бизнеси тараққиёти бўйича барқарорлик ҳолатларини ўрганиш ;

- илмий –услубий тадқиқотлар асосида амалий тавсия ва таклифлар “Урганч Пазанда” хусусий корхонаси мисолида ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб Ўзбекистон Республикаси, Хоразмдаги кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарорлигининг шаклланиши ва ривожланиши тенденциялари, кичик бизнес ривожланишини барқарорлаштириш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асосларини Ўзбекистон Республикасининг кичик бизнесни ривожлантиришга оид Конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг иқтисодиётнинг эркинлаштириш, ислохатларни чуқурлаштириш бўйича фундаментал асарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси Қорорлари, қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чет

эллик ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуга оид илмий-тадқиқот ишлари ташкил этади.

Тадқиқот ишининг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси, шунингдек, вилоят ва кичик кархоналар, идоралар материаллари ҳамда статистик маълумотлари ташкил этди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг иши кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, илмий янгиликлари, назарий-услубий асослари, амалий аҳамияти, тадбиқ этилганлиги, тузилиши ва ҳажми баён этилади.

Биринчи боб - “КБХТ барқарорлиги ва уни баҳолашнинг назарий услубий асослари” деб номланган бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг моҳияти, ижтимоий-иқтисодий асослари, мамлакатимизда бу соҳа субъектларининг таснифи, фаолияти, уни ривожлантиришнинг молиявий, ташкилий ва ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш усуллари, ҳамда КБХТ молиявий ресурслари манбалари ва барқарорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

“КБХТ субъектлари барқарорлигини баҳолаш усуллари”-номли **иккинчи боб**да кичик бизнеснинг барқарорлик омиллари, уларни баҳолаш кўрсаткичлари, бошқаришни самарали ташкил қилиш тизими ва унинг моделлари, шунингдек мамлакатимизда КБХТ барқарорлиги ва ривожланиши истиқболлари кенг таҳлилий ва таққосланма материаллар асосида ўрганилган

Илмий ишнинг “Урганч Пазанда” хусусий корхонаси барқарорлигини ошириш омиллари ва уларни баҳолаш масалалари” номли **якуний боб**ида олдинги боблардаги назарий, услубий тадқиқларга асосланган ҳолда мавзунинг амалий аҳамияти аниқ бир кичик бизнес субъекти фаолиятида ўрганилган ва таклифлар ишлаб чиқарилган. “УрганчПазанда” хусусий корхонасининг ташкил топиши, фаолияти тахлили, унинг барқарорлиги кўрсаткичлари тавсифи, ҳамда унинг истикболда ривожланиши йўналишлари кўрсатиб берилган.

Илмий ишнинг хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқадиган илмий ғоялар, илмий-амалий ишланмалар, таклиф ва тавсиялар келтирилган.

1-боб. КБХТ барқарорлиги ва уни баҳолашнинг назарий-услубий асослари

1.1 КБХТ нинг моҳияти ва ижтимоий – иқтисодий асослари

Кичик бизнесга ўзининг мустақил мулки ва ҳўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори (доминант) ҳисобланмаган фирмалар киради. Кичик корхоналар қуйидагилар томонидан бунёд этилиши мумкин: фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва бошқа ҳамкорлар билан биргаликда меҳнат фаолиятини олиб боровчи шахслар; давлат, ижара жамоалари, қўшма корхоналар, кооперативлар, ҳиссadorлик жамиятлари, ҳўжалик жамоалари, ширкатчилар ва бошқа юридик шахслар ҳисобланувчи корхона ва ташкилотлар; давлат мулкини бошқариш ҳуқуқига эга давлат идоралари; белгиланган идоралар, корхоналар, ташкилотлар ва шахслар ҳамкорликда; амалдаги ишлаб турган корхона, таркибидан, ишловчи жамоа ташаббуси билан, битта ёки бир неча таркибий бўлинма корхона мулки эгасининг розилиги ва корхонанинг илгари қабул қилган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш шarti билан ташкил қилиниши мумкин.

Кичик бизнес субъектлари деб, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва тадбиркорлик фаолияти юритаётган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

Ўзбекистонда КБХТ нинг тараққиёти ва унинг ижтимоий-иқтисодий асослари бир неча тарихий даврга бўлинади²:

Биринчи давр - вужудга келиш даври бўлиб, XIX аср учинчи чорагидан 1917 йилгача давом этган. Ушбу даврда сармоядорлик тизими шаклланган. 50 мингдан ортиқ ҳунарманд ва косиблар ишлаган. 110 минг киши банд бўлган. 350 га яқин кичик ва ўрта корханалар мавжуд бўлган.

² Т.Дустжонов, С.Салаев. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари.Т:Иқтисодиёт – Молия.2006.247-248-бетлар.

Иккинчи давр – стагнация (турғунлик) даври, 1918-1985 йилларни ўз ичига олади. Бу даврда якка ҳунармандлар ва косиблар 0,1 % га етмаган ва ҳатто ҳисоботларда кўрсатилмаган. Ушбу йилларда колхозлаштириш, совхозлаштириш, гигантлаш тенденцияси ҳукм сурган.

Учинчи давр – жонланиш даври, 1987-1991 йилларни ўз ичига олади. 1991 йил 1 январ ҳолати 9,7 минг ширкатлар, 61,5 мингта икки вазифани бажарувчилар мавжуд эди. Қўшма корхоналар эса 30 тага етди, якка тартибда 1,1 млн. киши, шахсий ёрдамчи хўжаликларда эса 1 млн. киши банд бўлган.

Тўртинчи давр – тикланиш даври, мустақилликдан кейинги даврни ўз ичига олади. Бу даврга келиб, 300 мингдан ортиқ КБХТ субъектлари, 200 мингдан ортиқ деҳқон, фермер хўжаликлари, 1000 дан ортиқ Қўшма корхоналар ташкил қилинди. 100 дан ортиқ қонуний-меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, инфратузилма шаклланди. Банклар, суғурта компаниялари, аудиторлик фирмалари, инвестиция жамғармалари, консальтинг, инженеринг, солиқ тизими ва ҳ.к. шаклланди.

Бешинчи давр – баркамоллик даври, 2005 йил ва кейинги йилларни ўз ичига олади. Мамлакатда кейинги йилларда яратилган амалий ишлай бошлаган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар асосида иқтисодиётнинг анъанавий тадбиркорликка мойил бўлган тармоқ ва соҳаларидагина эмас, балки стратегик, устувор тармоқларида ҳам КБХТ нинг ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишдаги улуши кескин кўтарилди.

Кичик бизнесга хос хусусиятлар ва тадбиркорлик тамойиллари қуйидагилардан иборат³:

- мулк сохиби бўлиш;
- фойда олишга интилиш ва тежамкор бўлиш;

³ Т.Дустжонов, С.Салаев. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. Урганч:Хоразм.1997.29-бет

- иқтисодий эркинлик;
- иқтисодий ва маъсулият ва мақсад сари интилувчанлик;
- иқтисодий таваккалчилик ва инновацион фаоллик;
- қонунларга сўзсиз риоя этиш;
- рақобатда қатнашиш;
- тадбиркорлик сири;
- ҳалоллик билан иш юритиш;
- имиджга эга бўлиш;
- ўз-ўзини бошқариш ва ташкилотчилик;
- руҳий поклик ва ҳалоллик;
- ўз жамоаси учун кўрашувчанлик.

Тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт – шароитлар талаб этилади:

1. Мулк муносабатларининг уйғунлашуви. Бозор иқтисодиёти шароитида мулк муносабатлар уч жиҳат билан белгиланади:

- Эгалик қилиш, яъни мулк эгаси сифатида мулкка тўла ҳукмронлик қилиш: сотиш, ижарага бериш, ҳадя этиш;
- Фойдаланиб туриш, яъни мулк эгасининг назорати асосида маълум шарт ва тўлов эвазига мулкдан вақтинча фойдаланиш;
- Оператив тезкор бошқаришни, янги мулк эгасининг назорати остида ресурсларни тақсимлаш ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича мулкни бошқариш ҳуқуқини жорий этиш;

2. Тадбиркорларга ўз қобилиятини тўла намоён этиш учун қуйидаги иқтисодий эркинликларнинг берилиши зарур:

- Маҳсулот ассортименти турларини ва ишлаб чиқариш усулини танлаш эркинлиги;

- Ҳамкорликларни мустақил танлаш;

• Маблағларни қонунга зид бўлмаган соҳаларга мустақил сарфлаш эркинлиги ва х.;

3. Бозорларнинг очиклиги, яъни товарлар, сармоялар, маълумотлар, иш кучи, хом –ашё ҳаракати учун сунъий ғовларнинг йўқлиги.

4. Бозор инфратузилмасининг мавжудлиги. Бунга қуйидагилар киради:

- Тижорат банклари
- Товар, фонд, меҳнат, валюта биржалари
- Тижорат таваккалчилиги ва мулк суғуртаси
- Маълумот ва реклама манбалари, оммавий ахборот воситалари, алоқа воситалари
- Эксперт бюрolari, сертификат марказлари, божхоналар, солиқ назорати ташкилотлари, арбитражлар ва х.к.

5. Тадбиркорлик учун ҳуқуқий кафолатнинг мавжудлиги, яъни тадбиркорликни ҳимояловчи қонунчиликнинг мавжудлиги.

6. Янги корхоналарга кадрлар тайёрлаш, кредит олиш, солиқ тўлаш, табиий бойликлардан фойдаланиш бўйича давлат томонидан берилган имтиёзлар ва х.к.

Кичик бизнес бажарадиган вазифаларнинг асосийларидан бири шундан иборатки, кичик бизнес жамиятда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминловчи ўрта синфни шакллантиради. Ҳар қандай жамиятда ўрта мулкдор синфи иқтисодиёт ривожланишида ўзига хос ўрин тутди.

Кичик бизнеснинг яна бир муҳим вазифаси истеъмол талабининг табақаланиши ва индивидуаллашуви шароитида кенг турдаги товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни амалга оширишдир.

Кичик бизнесни ривожлантириш бозорни истеъмол товарлари ва ҳудудий монополизмга барҳам беришга, бозор муҳити вужудга келиши ва кенгайишига, илмий техника натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, экспорт салоҳияти юксалишига ижобий таъсир кўрсатади.

Кичик бизнесни яна бир муҳим ижтимоий-иқтисодий хусусияти нисбатан кам ҳаражатлар эвазига янги иш ўринлари яратиш ва шу орқали бандлик муаммосини ҳал этишга ҳисса қўшиши ҳисобланади. Шу билан бирга, КБ турли ижтимоий гуруҳлар даромадлари ўртасидаги тафовутларни қисқартиришга, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни сармоядорлик даражаси юқори бўлган соҳаларга йўналтиришга, иқтисодиёт турли секторлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий барқарорликни мустаҳкамлашга фуқаролар ўртасидаги мулкӣ фарқларни камайтиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Кичик бизнеснинг яна бир ижтимоий вазифаси, у ижтимоий жиҳатдан заиф аҳоли қатламлари-аёллар, ногиронлар, нафақахўрлар, касб-ҳунар коллежларини битказувчиларни ва бошқаларни иш билан таъминлайди ҳамда уларнинг меҳнатидан кенг фойдаланади. Ёш мутахассислар ишлаб чиқариш тажрибаси ва малакаси ортишига шароит яратади.⁴

Кичик бизнеснинг барқарорлиги ва рақобатбардошлиги маълум ишбилармонлик муҳитида шаклланиб, у иқтисодда бозор муносабатларининг такомиллашуви ва давлатнинг рағбатлантирувчи роли туфайли ривожланади.

⁴ www.press-service.uz

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш мамлакат давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб қолмоқда. Жамиятда кичик бизнесни ривожлантирувчи, уни рақобатбардошлигини оширувчи асосий механизмининг асоси бу, соғлом ишбилармонлик муҳитини, барча тадбиркорлар фаолияти учун тенг шартлар, равшан ва аниқ қоидалар яратилишидадир.

Тадбиркорлик жамият ривожини ва иқтисодийлиги учун жуда муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ: “Тадбиркорлик – иқтисодий тангликдан олиб чиқишнинг, иқтисодий тараққиётга олиб боришнинг асосий иқтисодий воситаси, тараққиёт локомотиви”,⁵ - деб таъкидлаган эдилар. Шунинг учун ҳам тадбиркорликнинг ривожланиши ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Айниқса, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлган, шунингдек давлат қўллаб-қувватлаши ва ҳимоясига муҳтож бўлган тадбиркорлик – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик саналади.

Кичик бизнеснинг жамият ижтимоий ҳаёти ва иқтисодийлигида тутган ўрни ва аҳамиятига қуйидагилар киради:

- кичик бизнес субъектлари жамият сиёсий барқарорлигининг асосий қоғолати ҳисобланган ўрта қатламни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди;

- янги иш жойларини ташкил этади ва аҳоли кенг қатламини иш билан таъминлайди, шу жумладан, кам малакали ва имконияти чекланган аҳоли қатламини ҳам иш билан таъминлайди.

1.2 Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектлари фаолияти

⁵ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. – Т.:Ўзбекистон, 1992. 78-б.

Кичик бизнесда иқтисодий фаоллик шахсининг ўзи, ўз оила аъзоларининг ҳаётий фаолиятини таъминлаш учун молиявий маблағларни олиш усулини ифода этади. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий субъекти сифатида тадбиркор, истеъмолчи, шерик, давлат ва ёлланма ишчи майдонга чиқади.

Тадбиркорлик фаолиятининг объекти – товар, маҳсулот, хизматлар ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг асосий мақсади катта фойда, даромад келтирувчи, катта талабга эга бўлган товар ёки хизматни бозорга таклиф қилишдир. Бу эса муайян ҳаражатлар қилишни тақозо қилади. Бу ҳаражат эса – муайян бир товарни ишлаб чиқариш билан боғлиқ пул кўринишидаги маблағларни тадбиркор томонидан сарфланишини англатади.

Тадбиркорлик даромади – бу тадбиркорни маълум бир товар ёки хизматни бозорда сотиши натижасида унинг ҳисоб рақамига ёки кассасига тўлов сифатида тушувчи маблағдир.

Аммо шунини таъкидлаш керакки, фойда олиш учун тадбиркор бўлиш шарт эмас, яъни фойда олиш фақат тадбиркоргагина хос хусусият эмас. Шунинг учун ҳам, тадбиркор фойдаси ёки даромади оддий киши фойдасидан фарқли ўлароқ, 2 та элементдан ташкил топади⁶:

- Тадбиркор кишининг оддий, одатдаги фойдаси;
- Тадбиркор кишининг одатдаги фойдасидан ортиқча фойдаси.

Ана шу 2 та унсур тадбиркорлик фойдаси бўлиб ҳисобланади ва тадбиркорнинг ишлаб чиқаришдаги новаторлиги учун, инновацион ёндашуви учун мукофот ҳисобланади.

⁶ Т.Дустжонов, С.Салаев. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари.Т:Иқтисодиёт – Молия.2006.251-бет

Тадбиркорликни ривожлантириш ўз навбатида муайян бир ижтимоий ҳолатни-тадбиркорлик муҳитинининг бўлишини тақозо этади.

Тадбиркорлик муҳити зарур ресурсларни ишлатиш, тадбиркорлик капиталини шакллантиришга имкон берувчи, иқтисодий алоқаларнинг бозор тўри ҳукмрон бўлишини таъминловчи тадбиркорлик корпусини (аппаратини) ва иқтисодий эркинлик даражасини ўз ичига олувчи ижтимоий-иқтисодий ҳолатдир.

Ҳукумат томонидан тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қуйидаги 3 та йўналишлар бўйича аниқ чора тадбирларни ишлаб чиқаришга қаратилади:

1. Янги ташкил этилган фирмаларни ва очилиши кутилаётган фирмаларни ўз фаолиятларининг дастлабки жараёнида ҳар хил маслаҳатлар бериш (фирма ташкил этилгандан бошлаб 1-3 йил давомида);

2. Ташкил этилган тузилмаларга муайян молиявий ёрдамлар кўрсатиш ва уларга ҳар хил имтиёзлар бериш (айниқса солиққа тортиш соҳасида);

3. Замонавий жиҳатдан заифроқ бўлган тадбиркорлик тузилмаларига техникавий, илмий-техник ёки технологик ёрдам кўрсатиш.

Тадбиркорликнинг икки асосий шакли мавжуд: хусусий ва давлат тадбиркорлиги.

КБ да тадбиркорликни ташкил қилишнинг энг оддий шакли бу якка хусусий тадбиркорликдир.

Хусусий тадбиркорлик – ҳўжалик юритишнинг шундай ташкилий-ҳуқуқий шаклики, унда мулк эгаси битта шахс ёки оила бўлади ва фаолиятдан келган даромадни (турли тўлов ва солиқлар тўланганидан кейин) ҳаммасига эгалик қилади, қолаверса бизнесдаги ҳавф-хатар ва таваккалчилик учун якка ўзи жавоб беради.

Тадбиркорликнинг ушбу шакли чакана савдода, умумий овқатланиш соҳасида, маслахат соҳасидаги, маслахат соҳасидаги бизнесда, маиший хизматда, фермерчиликда, тиббиётчилик амалиётида ва ҳунармандчиликда кўпроқ учрайди. У икки хил кўринишда ташкил қилиниши мумкин: а) индивидуал – яъни корхона ташкил қилмасдан ва б) хусусий корхона – яъни юридик шахс ташкил қилган ҳолда.

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари: хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун рухсат олиш ҳўжалик ширкатларига нисбатан соддалаштирилган, яъни хусусий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганидан кейин, юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритиши мумкин. Бунда хусусий тадбиркор банкда ҳисоб рақами очиши ва ўз ҳамкорлари билан нақд пулсиз ҳисоб-китобни амалга ошириши мумкин. Ҳамда солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими қўлланилади. Бундан ташқари, тўла мустақил ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик, барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва у кўпроқ ишлашга рағбатлантиради.

Хусусий тадбиркорликнинг камчиликлари: кредитлаш имкониятларининг чекланганлиги (макро ва йирик корхоналар катта ҳажмдаги кредитлар олиши мумкин); заиф молиявий пойдеворга эгаллиги, барча ҳўжалик фаолияти учун ўзининг бор мулки билан жавобгарлиги; фаолиятни кенгайтириш имкониятларини чекланганлиги.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар ҳамкорлари мол-мулк, касб ёки капиталларини қўшиб бирлашадилар ва маблағлар ҳажмини оширадилар.

Ҳўжалик жамиятлари ва ширкатлари – бу икки ёки ундан ортиқ юридик шахслар, юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек жисмоний шахслар ўртасида ўзаро кўнгилли битим асосида мулкни умумий манфаатни кўзловчи тадбиркорлик ҳаракатини уюштириш мақсадларида

ташкил қилинадиган корхондир. Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари юридик шахс бўлиб, ўз номидан фаолият кўрсатади, ўз раҳбарияти ва офисига эга бўлади. У шартнома асосида ташкил қилинади, унинг қатнашчилари аввало ўзининг ва бошқа аъзоларнинг манфаатини кўзлаб ҳаракат қиладилар.

Хўжалик ширкатлари – бу шахсларнинг шундай бирлашмаси, унда таъсисчилар фақат мулкӣ бадаллар билангина эмас, балки шахсий фаолияти билан ҳам қатнашадилар. Хўжалик ширкатларининг асосан тўлиқ ва коммандит (аралаш) шакли мавжуд.

Тўла ширкат – бу барча қатнашчилар биргаликда фаолият юритадиган ва ширкатнинг барча мажбуриятлар бўйича унга тегишли бўлган мулк асосида биргаликда жавобгар бўлган ширкатдир.

Коммандит (аралаш) хўжалик ширкатлари ширкатчилиги деб шундай ширкатга айтиладики, унда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзининг барча мулки билан масъулияти битта ва ундан кўп қатнашчилар (коммандистлар) ҳам бўлиб, уларнинг масъулияти фақат ўзлари қўшган ҳисса билан белгиланди.

Маъсулияти чекланган жамият (МЧЖ) – бир бир неча шахслар томонидан таъсис этилган хўжалик жамияти қабул қилиниб, унинг устав фонди таъсис ҳужжатлари асосида белгиланган микдордаги қисмларга бўлинган бўлади. МЧЖ қатнашчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва ширкат фаолияти билан боғлиқ зарар юзасидан фақат жамиятнинг устав капиталига ўзлари қўшган қиймати доирасида таваккал қиладилар

Қўшимча масъулиятли жамият (ҚМЖ) – устав фонд ива таъсис ҳужжатлари асосида белгиланган микдордаги қисмларга бўлинган жамиятдир. Унда қатнашчилар ўзларининг мажбуриятлари бўйича ўзларининг устав капиталига қўшган ҳиссалари бўйича жавобгар

бўладилар, лекин (шу билан МЧЖ дан фарқланадилар) ушбу сумма етарлича булмаган ҳолда қўшимча равишда ўзларига тегишли бўлган мулк бўйича ўзлари қўшган ҳисса қийматига барчага тенг миқдорда қўпайтирилган ҳолда жавобгардирлар.

Ҳиссадолик (акционерлик) жамияти – бу jisмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан бунёд этилади. У очик ёки ёпик бўлиши мумкин. Ҳиссадорлик жамиятлари: агар унинг акциялари очик ёки обуна бўлиш йўли билан сотилса, қимматбаҳо қоғозлар бозорида қонундан ташқари ҳеч ким томонидан чекланмай эркин савдо-сотиқ қилинса – очик ҳиссадорлик жамияти деб юритилади.

Кичик тадбиркорликни жадал ривожлантириш, мамлакат иқтисодида хусусий сектор улушини ошириш, ишлаб чиқариш соҳасида аҳолини бандлигини тўлароқ таъминлаш учун янада қулай шароит яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2003 йилнинг 30 августда 3305 – сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонга асосан 2004 йилнинг 1 январидан бошлаб, ўрта корхоналар ҳам кичик корхоналар жумласига киритилиб, имтиёзга эга бўлган ҳолда соддалаштирилган солиқ тўлаш ҳуқуқига эга бўлади. 2004 йил 1 январдан бошлаб кичик корхоналар уларда ишловчилар сонига қараб ажратилади ⁷.

Кичик тадбиркорлик субъектлари асосан 3 га бўлиб ўрганилади ва гуруҳланади (1.2.1-чизма)⁸.


Агар унинг акцияларининг қимматбаҳо қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлса ва у,

⁷ www.google.uz

⁸ Х.Хамроев.Тадбиркорлик асослари.Т:“Янги нашр”.2010.166-бет

факат, номланган (эгаси ёзилган) акциялар чиқарса – ёпик ҳиссадорлик жамияти деб аталади.

1.2.1-чизма.



Ишлаб чиқариш кооперативи – мустақил хўжалик субъекти бўлиб, юридик шахс ҳуқуқига эга ва ўзига жамоа мулки сифатида тегишли бўлган мулкка эгалик қилади. Кооператив фуқароларнинг хохиши ёки юридик шахсларнинг ташаббуси билан ташкил топади. Кооператив

аъзоларининг сони уч кишидан кам бўлмайди. Матлубот кооперативида (жамиятида) эса етти кишидан кам бўлмайди.

Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш-матлубот коопертивининг фаолияти унинг аъзоларининг шахсий меҳнати, шунингдек меҳнат шартномаси билан ишловчи шахсларнинг қатнашувига асосланади. Коопертив мулк – аъзоларнинг пул ва моддий бадаллари. Улар ишлаб чиқарган маҳсулот. Шунингдек хўжалик фаолияти натижасида олган даромадлари асосида ташкил топади.

Холдинг – бу мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил ҳиссадорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида бунёд этилган жамиятдир. Холдингга бирлашган корхоналар, одатда, шўъба корхоналар деб аталади. Улар кўпинча корхонанинг ривожланиб бориши давомида бош корхона томонидан ташкил қилинади ва тўла мустақилликка эга бўлган юридик шахс сифатида фаолият кўрсатади. Аммо, бош корхона шўъба корхона акцияларининг асосий қисми (назорат пакети) эгаси сифатида унинг фаолиятига таъсир ўтказиши мумкин. Холдинг компаниялар икки хил бўлиши мумкин: молиявий холдинг – асосан назорат бошқарув вазифасини бажаради; аралаш холдинг – турли хил хўжалик фаолияти ва савдо-сотиқ билан шуғулланади.

Оффшор компанияси – бу имтиёзли солиқ тўлаш (ёки буткул тўламаслик) ҳудудида бунёд этилган корхона бўлиб, у рўйхатга олинган жойда барқарор турмайдиган шахсларга тегишлидир.

Консалтинг – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз mijozларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдир.

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ташкил қилишнинг асосий тамойилларидан бири мулкчилик шакли (давлат,


кооператив, акционер, хусусий ва бошқа) дан қатъий назар барча субъектларга хўжалик юритишнинг тенг шароитларидир. Барча хўжалик субъектларига солиқ солиш, баҳолаш, моддий-техник таъминот, молиявий ҳисоб ва назоратнинг якка шароитлари бўлиши, кичик ва ўрта бизнес, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда имтиёзлар тизимини шакллантириш бундан холи эмас. Мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхоналарга ишлаб чиқаришни ташкил этиш маданиятини ошириш, инсон омилини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини фаоллаштириш учун шароитлар яратилиши зарур.

Агар 2001 йилда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, қисқа бир давр мобайнида, яъни 2011 йил якуни билан бу кўрсаткич қарий 53 фоизга етиши мамлакатимизда кичик бизнес субъектларига яратилган имкониятлар натижаси сифатида кўришимиз мумкин (1.2.1-расм).

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятининг қарор топишида ва уни ривожлантиришда ҳуқуқий воситаларни тутган ўрни бекиёсдир. КБХТ одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига айланаётганига алоҳида эътибор бериш лозим. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам шундан далолат беради.

Шу мақсадда юртимизда тадбиркорлик субъектларига иқтисодий эркинликни таъминлаш ва кенг ҳуқуқий имтиёзлар беришга катта аҳамият берилмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларни текширишларни тартибга солиш йўли билан назорат қилувчи органлар рўйхатини камайтириш бўйича доимо изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, давлатимизнинг қатор қарорлари бугунги кунда субъектларнинг хўжалик юритишида иқтисодий фаолиятига давлат органларини аралашувини чегараламоқда. Натижада текширувлар сони кескин қисқарган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фонзда



Кичик бизнес субъектлари деб ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилган ва тадбиркорлик фаолияти юритаётган юридик ва жисмоний шахслар тушинилади. Ўзининг «кичик бизнес» деган номига қарамасдан ушбу ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти тури барча тараққий топаётган давлат иқтисодида муҳим аҳамиятга эга. Унинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:⁹

- мослашувчанлик, яъни ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортимент ива турини ўзгартириши кичик корхоналарда унчалик катта қийинчиликлар туғдирмайди;
- кичик бизнеснинг иқтисодий устунлиги маҳаллий шароитларини яхши билганлари сабабли, ишлаб чиқаришни унча кўп бўлмаган капитал ва меҳнат харажатлари билан амалга оширишидадир;
- маҳаллий ресурсларда ишлаб турган ёки маҳаллий бозорни таъминлаб турувчи кичик корхоналар ҳеч бўлмаганда транспорт харажатларининг иқтисод қилиниши эвазига кам харажатлидирлар;

⁹ www.gov.uz

- кичик корхоналарда меҳнат сарфи кам, моддий манфаатдорлиги юқори;

- ишловчиларнинг кам солиғи, уларнинг ҳар бири қобилиятининг енгилроқ юзага чиқишига ёрдам беради;

Шунинг учун бозор иқтисодига асосланган давлатларда кичик бизнес ўз мавқеини тинимсиз кучайтириб ва мустаҳкамлаб бормокда.

Кичик бизнес субъектларининг қуйидаги шакллари мавжуд:¹⁰

- ҳуқуқий мақоми бўйича: жисмоний ва юридик шахс мақомида;
- банд бўлган ходимлар сони бўйича: якка тадбиркорлик, микрофирма, кичик корхона:

- мулкчилик шакли бўйича: хусусий, давлат, жамоа, аралаш;
- фаолият йўналиши бўйича: ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат, молиявий ва инновацион тадбиркорлик фаолияти:

- тадбиркорликнинг қандай вазифани бажаришга йўналтирилганига қараб: ишлаб чиқаришни бошқариш, молиялаштириш, воситачилик ва маслахатчиликка қаратилган тадбиркорлик:

- фаолият турларининг сони бўйича: битта ва кўп тармоқли тадбиркорлик:

- фаолият мураккаблиги бўйича: махсус билим талаб қилмайдиган, махсус илим талаб қиладиган, юқори технология ва нодир билимга асосланган тадбиркорлик:

- фаолиятнинг тармоқ йўналишлари бўйича: саноат, агросаноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, уй – жой ва коммунал хўжалиги, тижорат ва молия, таълим ва фан, қурилиш ва бошқа ҳалқ хўжалиги тармоқларидаги тадбиркорлик.

Кейинги йилларда мухтарам Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан ҳукуматимиз томонидан КБХТ ни ривожлантириш борасида бир

¹⁰ Ғуломов С.С.Тадбиркорлик ва кичик бизнес-Т.: Шарқ, 2002.-365б.

нечта йўналишларда туб ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилди.¹¹ Жумладан, биринчи йўналиш – КБХТ субъектлари учун янада қулай муҳит яратиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди:

- тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга кўпроқ эркинлик бериш;
- давлат бошқарув вазифалари ва турли рухсат бериш меъёрларини қисқартириш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;
- молия – кредит ва хомашё ресурслари, маҳсулотларга давлат буюртмасидан фойдаланишининг бозор дастаклари ҳамда механизмларини жорий этиш;
- мол етказиб берувчи корхоналар ва барча хўжалик юритувчи субъектлар, харидорлар билан кооперацион алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

Иккинчи йўналиш – КБХТ субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган меъёрий – ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди ва бугунги кунда ҳам амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан бевосита КБХТ соҳасига тааллуқли бўлган 400га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Бевосита мавжуд қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базани танқидий нуқтайи назардан баҳолаган ҳолда янада такомиллаштириш борасида «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги тахририни тайёрлаш, КБХТ субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтиришга йўналтирилган янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб қоидалари тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар

¹¹ С.Салаев, Н.Файзуллаев, Ж.Атаев, Д.Саидов, М.Гулмонов. Тадбиркорлик асослари. Т:2012.-136

хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Учинчи йўналиш – КБХТ субъектларининг молия – хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш ҳисобланади. Республикамизда ўтган йиллар мобайнида КБХТ субъектлари фаолиятини тартибга солувчи 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди ва бунинг натижасида 26 та қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, 76 та идоравий меъёрий-ҳуқуқий ва қонун ости ҳужжатлари лойиҳалари экспертизадан ўтказилди.

Тўртинчи йўналиш – КБХТ субъектларини ташкил этиш тартибини соддалаштириш ва фаолият юритишнинг моддий-техник шароитларини таъминлашдир. Бу борада ҳукуматимиз томонидан КБХТ субъектларига кўпгина имтиёз ва қулайликлар яратиб берди. Хусусан, маҳсулотларни гигиеник сертификатининг амал қилиши чекланмаган муддатга ўтказилди, фитосанитария хулосаларини бериш муддатлари қисқартирилди, электр ва иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни бажариш муддатлари 1 ойдан 3 кунгача қисқартирилди, биноларни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш жараёни соддалаштирилди, давлат мулкидаги бўш биноларнинг ижара ҳақлари пасайтирилиши натижасида 81 фоизи тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди, ташқи рекламани жойлаштириш қиймати айрим вилоятларнинг қишлоқ жойлари учун 50 фоизгача пасайтирилди ва ҳ.к.

Бешинчи йўналиш – КБХТ субъектларга солиқ ва бошқа тўловлар борасида енгилликлар яратиш, ҳисобот топшириш тизимини такомиллаштириш саналади. Унга мувофиқ, 1996-2010-йиллар мобайнида КБХТ субъектларига белгиланган солиқ ставкалари мос равишда 38 фоиздан 7 фоизгача пасайтирилди.

Шунингдек, келгусида ҳисоботлар топшириш жараёнларидаги қоғозбозликни ва ҳар хил сансалорлик, оворагарчилик, тўрачилик каби салбий иллатларни олдини олиш, вақтни тежаш ва иш самарадорлигини

ошириш мақсадида тадбиркорлик субъектларини электрон ҳисобот топшириш тизимини жорий қилиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, тармоқ йўналишида ҳам КБХТ субъектларига бир қатор имтиёзлар берилган бўлиб, хусусан:¹²

- 2014-йил 1-январгача, янгидан ташкил этилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари солиқларнинг барча турларидан ва айрим мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинган;

- 2012-йилнинг 1-январигача, гўшт ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўлови 50 фоизгача камайтирилди ва четдан олиб келинадиган технология ускуналари божхона тўловларидан озод қилинган;

- 15 хилдаги ноозик-овкат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган микрофирмалар ва кичик корхоналар фойда солиғи, мулк солиғи ва ягона солиқ тўловларидан, республика йўл жамғармасига ускуналарни импорт қилишда божхона тўловларидан озод қилинган.

2012 йил учун белгиланган ягона солиқ ставкаси 1996 йилга нисбатан 7.6 марта, 2000 йилга нисбатан 6 марта, 2005 йилга нисбатан эса 3 мартага қискқартирилган (1.2.2-расм). Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675 – сонли Қарорига мувофиқ, хизмат кўрсатиш соҳасида, айниқса, сартарошлик ва бошқа шу каби маиший хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган яқка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солқ ставкалари ўртача 2 баробар камайтирилди.


Олтинчи йўналиш – КБХТ субъектларини кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008-йил 10-ноябрдаги 4051-сонли Фармонида мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун имтиёзли кредитлар бўйича фоиз

¹² www.soliq.uz

ставкалари максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга, КБХТ субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун микрокредитлар бўйича қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоиздан 50 фоизгача, КБХТ субъектлари учун имтиёзли микролизинглар хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди.

1.2.2-расм.

КБХТ субъектлари учун янгонв солиқ тўлови ставкаси



Еттинчи йўналиш – КБХТ ни ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш саналади.

Саккизинчи йўналиш – КБХТ субъектларининг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги иштирокини кенгайтиришдир. Бу борада КБХТ субъектларининг улуши унчалик салмоқли даражада эмас ва республикамиз экспортида КБХТ субъектларининг улуши 2009-йилда 15,1 фоизни ташкил қилган.¹³ Шу сабабли истиқболда уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга кумаклашиш, экспорт маҳсулотларини минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини таъминлаш ҳамда жаҳон бозорлари конъюктураси ва

¹³ www.chamber.uz

махсулотларининг потенциал харидорлари тўғрисида ахборот олиш масалаларини қатъий ҳал этиш лозим.

Тўққизинчи йўналиш – илғор илм фан ва фан ютуқларига асосланган венчур тадбиркорлигини ва хусусий бизнесини ривожлантиришга кенг йўл очиб бериш саналади. Фикримиз далили сифатида, мухтарам Президентимиз «...саноат соҳасида, юқори технологияларни талаб этадиган замонавий ишлаб чиқариш тармоқларини ташкил этишда, инновацион ва нанотехнологиялар, фармакология ва фарматцевтика, ахборот-коммуникация тизими, биотехнология, муқобил энергетика турларидан фойдаланиш соҳасида, мухтасар айтганда, илғор илм-фан ютуқларига асосланган КБХТ ни ривожлантиришга кенг йўл очиб беришимиз зарур» деб таъкидлайди¹⁴.

Ўнинчи йўналиш – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПК-1271 сонли Қарорига мувофиқ, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган КБХТ ни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларида уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш ҳисобланади.

Ўн биринчи йўналиш – КБХТ субъектларига тақдим этилаётган имтиёзлар ва шарт шароитлар тизимини янада ривожлантириш ҳисобланади.. У ёки бу фирмани кичик ёки ўрта тадбиркорлик тузилмасига тегишли эканлигини аниқлаш учун бир қатор кўрсаткичлар ишлатилади: йиллик ўртача ишловчилар сони, асосий фондлари қиймати, йиллик тушумлари ва айланма Маблағлари ҳажми. Баъзи мамлакатларда битта кўрсаткич, масалан, АҚШ да 2 та ҳам ишлатилади. Францияда 9 кишигача банд бўлган фирмалар кичик тадбиркорлик тузилмасига тегишли бўлади.

¹⁴ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги «Мамлакатимизни модернизация қилиш йулини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзусидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010-йил, 7-декабрь.

Бизда эса бу кўрсаткич 1991-2012-йиллар давомида 4 марта соҳалар бўйича қуйидагича ўзгарди (1.2.2-расм).

Маълумотлардан кўринадики, Ўзбекистон Республикаси КБХТ субъектлари деганда якка тадбиркор, кичик корхона ва микрофирмалар тушунилади ва уларни таснифлашда фақат ишчилар сони кўрсаткичи қўлланилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010-йил 28-июлдаги ПФ-4232-сонли Фармони га кўра, агар микрофирма ва кичик корхоналар томонидан касб-ҳунар коллежлари, академик лицей ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномаси тузилса, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган норматив ишчилар сони кўрсаткичидан 20 фоизгача оширишгача рухсат берилади ҳамда уларга белгиланган КБХТ субъектлари учун имтиёзлар сақланиб қолади.

**Ўзбекистон Республикаси ҳозирги даврда амал қилиб турган кичик
бизнес субъектларининг гуруҳланиши¹⁵**

Тармоқлар йўналиши	1992-йил 26- февралдаги иловага биноан	1995-йил 21- декабрдаги қонунга биноан	1998-йил 9-апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан			2003-йил 30-августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан		
			Микрофирма	Кичик корхона	Ўрта корхона	Якка тадбиркорлар	Микрофирма	Кичик корхона
Саноат	200 кишигача	50 кишигача	10 кишигача	40 кишигача	40дан 100 кишигача		20 кишигача	21дан 100 кишигача
Қурилиш				20 кишигача	20дан 100 кишигача			21дан 50 кишигача
Қишлоқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқлари	50 кишигача	25 кишигача						
Улгуржи савдо	15 кишигача	5 кишигача		10 кишигача	10дан 20 кишигача		5 кишигача	6дан 25 кишигача
Чакана савдо								
Фан ва илмий хизмат кўрсатиш						100 кишигача		
Ноишлаб чиқариш соҳасини бошқа тармоқлари	25 кишигача	10 кишигача						

¹⁵ С.Салаев, Н.Файзуллаев, Ж.Атаев, Д.Саидов, М.Гулмонов. Тадбиркорлик асослари. Т:2012.-270б

1.3 КБХТ нинг молиявий ресурс манбалари ва барқарорлик кўрсаткичлари

Молиявий ресурсларни самарали бошқариш корхона фойдасини оширишга, ҳамда ўзоқ муддатли инвестицияларни жалб қилишни таъминлайди. Кичик корхона молиявий менежерининг вазифаси – нормал ишлаб чиқариш жараёнини ва инвестицион фаолиятни таъминлайдиган, энг самарали молиялаштириш манбасини танлаш.

Ҳар бир корхона, фирма ва коорпорацияни қаердан пул олиб ва уларни қандай қилиб самарали ишлатиш саволи қизиқтиради.

Энг аввало пул «бизнесни» юргизиш учун керак. Бизнесменнинг одатда ўз маблағи етарлича бўлмайди ва қарз олишга мажбур бўлади. Қарз олиш натижасида тадбиркорнинг потенциали ошади. Лекин бу ерда 2 та йўл мавжуд:¹⁶ у фойда келтириши мумкин (қарз маблағларининг олиб келаётган фойдаси, олинган қарз маблағларига тўланаётган фоиздан юқори бўлади), лекин у зарар ҳам келтириши мумкин. Ахир баъзи пайтида ривожланишнинг сусайиши ҳам бўлиши мумкин, ишлаб чиқариш йўналиши ўзгартириб, ускуналарни янгилаш керак бўлади.

Кичик бизнеснинг молиявий ресурсларни молиявий сармоялар ва молиявий захиралар ташкил қилади. Молиявий захираларни кичик бизнес корхонаси ихтиёрида бўлган пул воситалари ташкил қилади. Пул маблағлари мол етказиб берувчилар, воситачи ва молиявий хизматлар, савдо-сотиқ хизматлари, инвестиция ва инновация лойиҳалари учун сарфланади. Молиявий маблағларни етишмаслиги кичик бизнес истикболини, фаолиятини чегаралайди ва синишига олиб келади. Ҳўжалик фаолиятини ривожлантириш учун ишлатиладиган молиявий захиралар (хом-ашё сотиб олиш, яримтайёр маҳсулотлар, меҳнат ускуналари, ишчи кучи) пул кўринишидаги сармоядир.

¹⁶ М.С.Косимов, Д.А. Шодибекова, М.А. Юсупов, А.Н. Самадов. Кичик бизнесни бошқариш.Т: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.2005.78-бет

Молиявий сармоя қарзга берилади ва айланиб фойда билан инвесторга қайтиб келади, молиявий захиралар сармояси қўшимча фойда келтириши учун у кўпроқ айланиши керак. Йилига сармоя қанча кўп айланса инвестор йиллик даромади шунча кўп бўлади.

Молиявий захиралар сармоясини таркибига шунингдек асосий фондлар, айланма фондлар, муомила фондларига қўйилган пул маблағлари киради. Асосий фондлар – меҳнат қуроллари, бино, қурилма, техника воситалари ва бошқалар йиғиндисининг қимматли кўриниши. У молиявий кўринишини ўзгартирмасдан ишлаб чиқариш ва хўжалик корхона чегарасида фаолият кўрсатади ҳамда ўз қийматини қайтадан яратилган маҳсулот қийматига ўтказади. Айланма фондлар – корхона ишлаб чиқариш фондининг бир қисмини ташкил қилади. У бир ишлаб чиқариш даврида (циклида) ишлатилади ва ўз қийматини ишлаб чиқариладиган маҳсулотга тўлалигича ўтказади. Муомила фондлари тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга юборилгани, лекин тўланмагани, банк ва касса ҳисобидаги пул маблағини ўз ичига олади.

Номоддий активлар – физик ҳусусиятларга эга бўлмаган, аммо корхона активига қўшиладиган патентлар, лицензиялар, ноу-хоу, авторлик ҳуқуқлари ва бошқа интеллектуал мулкдан иборат бўлиб, ўзининг дастлабки нархини йўкотади ва вақт ўтиши мобайнида фойда келтиради. Номоддий воситаларни сотиб олишни товар ва маҳсулот сотишдан, иш бажариш ва хизматдан келган фойда ҳисобига ҳамда банк кредити, жисмоний юридик шахсларни қайтарилмайдиган бадаллари ҳисобига молия билан таъминланилади. Оддий воситалар уларни сотиб олиш қийматлари билан ҳисобга олинадилар, уларга қўшимча (бевосита) ҳаражатлар, баъзи бир объектларни тартибга келтириб хўжалик фаолиятига киритиш учун қилинган ҳаражатлар қўшилади.

Молиявий таъминлашнинг имконли манбалари қуйидагилардан иборат: тижорат банклари; молиявий компаниялар; инвестицион

компаниялар; инвестицион фондлар; кредит идоралари; харидорлар; маҳсулот берувчилар; дўст ва танишлар; хайрия ташкилотлари; транскомпаниялар ва банкларнинг траст бўлинмалари; давлат, ҳалқаро ва жамият ташкилоти ва идоралар, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш дастурида иштирок этувчилар (уларнинг марказий ва маҳаллий идоралари); ишловчилар; дастгоҳ ишлаб чиқарувчилар; суғурта компаниялари; нафақа фондлари; хусусий инвесторлар; молиявий маслахатчилар.

Кичик бизнеснинг тадбиркорлик тизимлари томонидан молия ресурслари кундалик харажатларини ва инвестицияни молия билан таъминлашда ишлатилади.¹⁷

Инвестиция – бу молиявий ресурсларни турли фаолият, асосан ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ўзоқ муддатли капитал киритиш шаклида бевосита корхонани қўшимча фойда олиш ёки корхона, компания ишига таъсир кўрсатиш ниятида қимматбаҳо қоғозларни сотиб олишда ишлатилади, инвестициялар молиявий (қимматбаҳо қоғозлар билан боғлиқ операциялар), ҳақиқий (маблағларни ўзоқ муддатга моддий ишлаб чиқаришга киритиш), аклий (интеллектуал), (ноу-хоу, илмий ишлар) бўлишлари мумкин.

Кредит қарзга пул олишнинг энг кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Кредитнинг асосий вазифаси пул воситаларини қайтариб бериш шarti билан корхоналар, ташкилотлар, тармоқлар орасида тақсимлаш ва вақтинча буш пул маблағларини самарали ишлатишдан иборатдир. Кредитнинг бошқа вазифаси бу ҳақиқий пулларни кредит пулларига (банкнотлар) ва кредит операцияларига (накд пулсиз ҳисоб-китобга) алмаштиришдан иборат. Юридик ёки жисмоний шахслар қарзга восита берувчилар – кредиторлар, олувчилар – заёмчилар деб аталади.

¹⁷ Т.Дустжонов, С.Салаев. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари.Т:Иқтисодиёт – Молия.2006.288-бет

Ажратиш муддатига кўра кредитлар қисқа муддатли, ўрта муддатли ва ўзоқ муддатлига бўлинади.¹⁸

Қисқа муддатли кредитлар – 12 ойгача муддатда бериладиган ссуда бўлиб, унинг муддати кредитланадиган тадбирлар муддатида, копланиш муддатида ва бошқа шартлардан келиб чиқади.

Ўрта муддатли кредитлар – бу бир йилдан ортиқ муддатдан 5 йилгача муддатга бериладиган ссуда ҳисобланади.

Ўзоқ муддатли кредит – 5 йилдан кўп муддатга, ишлаб чиқариш ва ижтимоий юналишдаги объектларни куриш, қайта куриш, техник жиҳатдан жихозлаш билан боғлиқ бўлган сармояли маҳсулотлар учун ишлатилади.

Биринчидан, кредит тўлаш ва фоиз тўлаш шарти билан ссуда кўринишида пул ёки товар шаклида бўлиши мумкин.

Иккинчидан, кредит ўзини ссуда капитали ҳаракати шаклида намоён этади.

Кичик бизнесни кредит билан таъминлашни қуйидаги шакллари мавжуд: тижорат, нотижорат ташкилотлар орқали бериладиган, банк, давлат, истеъмолчи, ҳалқаро.

Тижорат кредити – товар шаклида (берувчи) сотувчилар томонидан ҳаридорларга берилувчи кредит бўлиб сотилган товарни қийматини орқароқ суришдан иборатдир. Натижада ҳисоб-китоблар вексель ёки очик ҳисоб билан амалга оширилади. Биринчи ҳолатда ҳаридор товар ҳужжатларини олганидан сўнг ўтказилиши сотувчи томонидан қўйилган векселни (граттани) талаффуз этади ёки оддий вексел расмийлаштиради. Иккинчи ҳолатда сотувчи ҳаридорнинг қарз мажбуриятларини олмайди ва

¹⁸ М.С. Косимов, Д.А. Шодибекова, М.А. Юсупов, А.Н. Самадов. Кичик бизнесни бошқариш.Т: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти.2005.80-бет

қарз бўйича ҳисоб очади. Қарзни ўзиш даврий тўловлар сифатида қисқа муддатларда (12 ой) амалга оширилади.

Тижорат кредитида бўлган зарурий капитални ишлатиш ва муомила вақтини бир-бирига тўғри келмаслиги натижасида келиб чиқади. Бу ерда товарни кредитга сотиш ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигига ёрдамлашади, капитални айланишини тезлашишини ва фойдани кўпайишини таъминлайди. Ушбу шаклдаги кредит одатда қисқа муддатли бўлади.

Олиб борилган салмоқли ишлар натижасида 2011 йилда тижорат банклари томонидан КБХТ субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 1.5 баробар ошиб, 4.0 триллион сўмни ташкил этади ва мазкур маблағлар ҳисобига ҳудудларда 291 мингтадан ортиқ янги иш ўринлари яратилди¹⁹.

1.3.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар ҳажми 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 2.2 баробар, 2010 йилга нисбатан 1.5 баробар ошиб, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра 4.1 триллион сўмни ташкил этди.

Банк кредити тадбиркор ва корхоналарга пул ссудаси кўринишида берилади.


Ўзбекистонда КБХТ да молиялаш муаммолари энг долзарб мавзу ҳисобланади, чунки молия ресурсларидан эркин фойдаланиш имконияти бу КБХТ субъектларининг нафақат хўжалик операцияларини юритиш

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма.Т.:Ўқитувчи.2012.-276.

фаолияти, балки бозор иқтисодиётида уларни яшашининг муҳим шартидир.

1.3.1-расм.

**КБХТ ни қўллаб – қувватлашга ажратилган кредитлар,
миллиард сўм.**



Ажратилган микрокредитлар ҳажми 752.3 миллиард сўмни ташкил этиб, мазкур кўрсаткич олдинги йилларга нисбатан 1.5 баробар ўсди (1.3.2-расм).


Давлат дастурига мувофиқ, турли соҳа ва йўналишлар учун кредитлар ажратиш истиқболли кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланади (1.3.3-расм). Жумладан:

- озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларга 712.4миллиард сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадларига 724.0 миллиард сўм;


- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 351.1 миيليард сўм;
- касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз бизнесини ташкил этиш учун имтиёзли шартлар асосида 25.6 миллиард сўмлик микрокредитлар;
- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қора мол сотиб олиш учун 59.7 миллиард сўм;
- тижорат банкларида ташкил этилган Имтиёзли кредит бериш махсус жамғармалари маблағлари ҳисобидан КБХТ субъектлари лойиҳаларига 31.2 миллиард сўм;
- оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантириш учун 54.1 миллиард сўм миқдоридаги кредитлар ажратилди.

1.3.2-расм.

Кичик бизнес субъектларига ажратилган микрокредитларнинг ўсиш динамикаси, миллиард сўм.




**Турли соҳа тармоқлари бўйича ажратилган тижорат кредитлар,
миллиард сўм.**



Шунингдек, “Микрокредитбанк” АТБ томонидан КБХТ субъектларига 159.7 миллиард сўмлик микроолиявий хизматлар кўрсатилиб, 104500 та янги иш ўрни яратилди. 2007-2011 йилларда “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан кўрсатилган микроолиявий хизматлар эвазига яратилган иш ўринлари сони 1.3.4-расмда келтирилган.

Расмдан кўрин турибдики, 2007-2011 йилларда “Микрокредитанк” очик акциядорлик тижорат банки томонидан кўрсатилган микроолиявий хизматлар эвазига яратилган иш ўринлари сони йилдан-йилга ўсиб борган.

**“Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банки
томонидан кўрсатилган микромолиявий хизматлар эвазига
яратилган иш ўринлари сони.**



Банкларга кредит ва депозитлар, шунингдек, ҳоржий кредит линиялари орқали бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини мустақил белгилашга кенг имконият яратиш, банкларнинг комисион тўловлари микдорларига қўйиладиган чекловларни олиб ташлаш мақсадга мувофиқдир. Банклар сегментациясини тугатиш, уларни янада универсаллаштириш ва молия бозорида соғлом рақобат муҳитини яратиш бугунги куннинг долзарб масалаларидандир.

Бугунги кунда республикамизнинг барча минтақаларида, туман ва шаҳарларида, ҳатто чекка қишлоқларида ҳам КБХТ га катта эътибор берилиб, кичик бизнес субъектлари фаолияти кенг ривожланмоқда.

Дарҳақиқат, КБХТ, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш, аҳоли даромадлари ва фаровонлигини оширишдаги роли бениҳоя каттадир.

Жумладан, 2011-йилда мамлакатимизда яратилган 960 мингдан ортиқ иш ўринларининг 600 мингдан ортиғи йки 64.0 фоизи КБХТ ва фермер хўжаликларига, 210 мингдан ортиғи касаначилик соҳасига тўғри келади. Шунингдек, аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши 47 фоизни ташкил этмоқда²⁰.

2012 йилнинг январь-сентябрь ойларида юртимизда 18.4 мингта янги кичик бизнес субъектлари (фермер хўжаликларини ҳисобга олмаганда) ташкил этилди. Энг кўп кичик бизнес субъектлари савдо ва умумий овқатланиш (жами ташкил этилганларнинг 27.8 фоизи) ҳамда саноат тармоқларида (23.6 фоиз) ташкил қилинди.²¹

Кичик ишлаб чиқаришларни ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида 2012 йилнинг 9 ойида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига умумий қиймати 19.4 миллиард сўмлик 55 та давлат активи сотилди, қарийб 17.6 мингта фойдаланилмаётган давлат мулки объекти ижарага берилди. КБХТ субъектларига тижорат банклари томонидан қиймати 4.2 триллион сўмлик (ўсиш 2011 йилнинг шу давридагига нисбатан 1.3 баробар) кредитлар, жумладан, 857.2 миллиард сўмлик микрокредитлар (ўсиш 1.4 баробар) ажратилди(1.3.1-жадвал).

Кичик бизнес субъектларидан қилинадиган давлат харидлари ҳажми 229.1 миллиард сўмни ташкил қилди (электрон савдолар орқали амалга ошириладиган давлат харидлари умумий ҳажмининг 92.9 фоизи). 7 мингдан зиёд кичик бизнес субъектлари ўз товар ва хизматлари билан давлат харидлари тизимида иштирок этди. 2012 йилнинг 9 ойида КБХТ

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2011-йилнинг асосий яқунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий иқтисодий ривжантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012-йил ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузаси//Ўзбекистон овози, 2012-йил 21-январ, б.2

²¹ Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма.Т.:”Ўқитувчи”.-2013.63-б.


субъектлари томонидан қиймати 1.7 миллиард долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Натижада кичик бизнеснинг ЯИМ да, саноат ва бошқа соҳаларда улуши ошди(1.3.1-расм). Умуман йил бошидан буён мамлакатимизда 882 та ишлаб чиқариш объекти, жумладан енгил саноат ва тўқимачилик тармоғида (337 та объект), озиқовқат саноатида (234), қурилиш материаллари саноатида (189), ёғочни қайта ишлаш саноатида (46), машинасозлик саноатида (14), кимё саноатида (16) ва бошқа соҳаларда (46) янги объектлар ишга туширилди (1.3.2-расм).

1.3.1-жадвал.


КБХТ субъектларига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар	2012 йил	2011 йилга нисбатан (баробар)
Кредит	4.2 триллион	1.3
Микрокредит	857.2 миллиард	1.4

1.3.5-расм

Кичик бизнеснинг соҳалар бўйича тақсиланиши



**2012 йил кичик бизнеснинг мамлакатимизда 882 та ишлаб
чиқариш объектида саноат тармоқлари бўйича тақсимланиши**



Иш ўринларини яратиш дастурини амалга ошириш доирасида 2012 йилнинг 9 ойи давомида мамлакатимиз бўйича 773 мингта иш ўрни яратилди, шундан 486.1 мингтаси (умумий кўрсаткич 62.9 фоизи) қишлоқ жойларда ташкил қилинди.

Янги корхоналарнинг ишга туширилиши, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ва реконструкция қилиш ҳисобидан – 45.6 мингта, янги кичик корхона ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан – 81 мингта, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан – 88 мингта, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларида – 45 мингта, касаначиликнинг барча шакллари ривожлантириш ҳисобидан – 183.4 мингта, қишлоқ хўжалигида – 105.5 мингта, фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар фаолиятини тиклаш ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобидан – 24.5 мингта иш ўрни яратилди.

2-боб. КБХТ субъектлари барқарорлигини баҳолаш йўллари

2.1 КБХТ нинг ҳаётий циклининг дескриптив модели ва уни бошқаришни самарали ташкил этиш усуллари

КБХТ нинг ҳаётий цикли ҳам худди корхонанинг ҳаётий цикли каби унинг ишлаб чиқариш фаолияти даврини ўз ичига камраб олади. Корхонанинг ҳаётий циклининг тўртта босқичи мавжуд: бунёд этиш, ўсиш, табақалаштириш, жипслаштириш.²²

Биринчи босқич корхонани бозорда пайдо бўлиши билан тавсифланади, иккинчиси – корхонани тараққиёт этиш суръати, унинг бозорда тутган ўрнини мустаҳкамлаш билан, учинчиси – ҳўжалик фаолиятини табақалаштириш, янги бозорларга суқилиб кириши, Тўртинчиси – янгилик киритиш, стратегияни қайта куриб чиқиш билан ёки банкрот бўлиш билан изохланади. АҚШда тадқиқотчилар тадбиркорлик ташкилотини қуйидаги ҳаётий циклларини ажратиб кўрсатадилар (худди тирик жондек):

1. Туғилиш даври
2. Болалик даври
3. Ўспиринлик даври
4. Дастлабки етуклик даври
5. Ўрта етуклик даври
6. Охирги етуклик даври
7. Қариш даври
8. Турғунлик даври (фаолиятини тўхтатиш, банкрот бўлиш пайти)

1. Туғилиш даври янги ҳаридорнинг талабини қондириш, бош бозор майдонини янги сегментини эгаллаш. Асосий мақсад рақобатга бардош бериш, шунинг учун барча ишларда ташаббускорлик, муваффақиятга эришиш, чексиз меҳнатсеварлик ҳукм суради. Ташкилотни тавсифли

²² С.С.Гуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.Т:Шарк.2002.219 – бет

белгиси бўлиб жанговарлик, иложи борица кўпроқ фойда олишга интилишлик ҳисобланади.

2. Болалик даври – бу ҳаёт циклидаги энг хавфли босқич ҳисобланади. Бу босқичда асосий мақсад қисқа муддатли муваффақият ҳисобланади, тавсифли белгиси бу мақсад сари интилиш, рақобатчи ташкилотларга асосий аҳамият бериш. Бу босқичда 90 % корхоналар банкрот бўладилар. Бунда режалаштириш усули «ололганингни юлиб қол» шиори остида бўлади.

3. Ўспиринлик даври – бу босқич ташкилотни барқарорлик жараёнининг шаклланишини бошланишидир. Фахм-фаросатли таваккалчилик ўрнига илмий ҳисоб-китоблар ишлатилади. Ташкилот бозорда ўз майдонини эгаллаб даромад олишни барқарорлигини режалаштиришни амалга оширади.

4., 5., 6. Дастлабки етуқлик даври – бу ташкилотни янги фаолият соҳаларига аста-секин кириб бориши, дифференциацияни ва диверсификацияни кучайиши, фаолият кўламлигини кенгайтириш босқичидир. Бунда ташкилот қуйидаги жараёнларни ўтади: миллий, мултимиллатли, жаҳон аҳамиятига эгалик. Бу босқичда бошқарув усули марказлаштирмаган бўлиши зарур.

7. Қариш даври – ўсишнинг сусайиши ва катта қийинчиликларни мавжудлиги. Бундай қийинчиликларга корхона бардош беролмаслиги мумкин. Бунда бош вазифа ташкилотни сақлаб қолиш, барча воситалар билан жамоа мақомини қўллаб-қувватлаш. Бунда ташкилотнинг модели бюрократия, раҳбарлик тури эса маъмурий бўлиб қолади.

8. Турғунлик даври – фаолият тараққиётининг жонланишини корхонага тўла мажмуавий ўзгаришларини ўтказиш зарур. Бошқарув усули – уйғотувчанлик бераҳмсизлик белгилари билан ажралиб туради, агар раҳбарлик сусайса банкротлик содир бўлиши мумкин.

КБХТ у ёки бу ҳаёт цикли босқични босиб ўтиш сезиларли равишда бозорда пайдо бўлаётган шароитга ҳамда давлатнинг олиб бораётган иқтисодий сиёсатига боғлиқдир.

Кичик бизнес корхонасининг ҳаётий цикли-бу унинг бунёд этилишидан тугатилгунигача бўлган даври ёки ишлаб чиқариш фаолияти даври ҳисобланади. Корхонанинг ҳаётий циклининг тўртта босқичи мавжуд: бунёд этиш, ўсиш, дифференциациялаш, жипслаштириш. Ҳаёт циклига маълумки, бозор субъекти ўз тижорат-хўжалик фаолиятида ижтимоий-иқтисодий муҳит ҳам катта таъсир кўрсатади. Иқтисодий атроф-муҳит ҳолатига йуналади. Миллий бозорга чиқиш арафасида турган кичик корхона ўз фаолиятини шакллантиради, назорат қилади. Бунда қуйидаги омилларни кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир: назорат қилинадиган факторлар (товар, нарх, товар ҳаракати ва тақсимланиши каналлари; сотишни рағбатлантириш); уларни маълум даражада кичик корхона томонидан бошқарилишига йўл қўйилади; назорат қилинмайдиган факторлар (иқтисодий иқлим, сиёсий кучлар, рақобат сруктураси, жамиятнинг ижтимоий аҳволи), улар кичик корхона томонидан бошқарилишига йўл қўйилмайди (инфраструктура, техник ривожланиш даражаси, рақобатбардошлиги маданиятнинг ҳолати, таълим, саноат, ҳуқуқ). 2.1.1 расмда ташқи муҳит омиллари берилган.²³

Кичик бизнес корхоналарини у ёки бу ҳаёт цикли босқични босиб ўтиш сезиларли равишда бозорда пайдо бўлаётган шароитга ҳамда давлатнинг олиб бораётган иқтисодий сиёсатига, яъни юқорида кўрсатилган ташқи омилларга боғлиқдир. Корхоналар ишининг самарадорлиги кўпинча уларнинг ташкилий таркибига ҳамда раҳбарлик усулига боғлиқ. Кичик бизнес корхонаси ҳаёт циклини ҳар қандай

²³ Менеджмент малого бизнеса: Учебник/Под. Ред. Проф. Проф. М.М.Максимцова и проф. В.Я.Горфинкеля.-М.:Вузовский учебник, 2004.-269с.

босқичида, унинг молиявий мослашувчанлигини зарурий савияда ўз вақтида баҳолаш ва қўллаб-қувватлаши муҳим ҳисобланади.

2.1.1-расм.



Активларнинг ликвидлиги — бу моддий бойликларни сотиб нақд пулга айлантиришдаги енгилликдир. Баъзи бир активлари ўзаро шундай боғланган бўлишлари мумкинки, биттасини йуқотиш бошқасини самарали ишлатилишига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Корхона ўз материал активларини бошқа активларда келтирадиган даромадига салбий таъсир кўрсатмасдан сота олиши унга молиявий устунлик келтиради.

Корхонанинг молиявий мослашувчанлиги - бу кўрсаткичлар мажмуаси бўлиб, унинг активлари қанчалик ликвидлигини, қўшимча молиявий воситалар олиш имконияти қандайлигини, ишга киритилмаган капиталини фоиизи қанчалигини ва корхона ўзининг инвестицион ва ишлаб чиқариш фаолиятини ўзгартириш қобилиятига қай даражада эга

эканлигини аниқлайди. Корхонанинг молиявий мослашувчанлигини аниқлаш учун қуйидаги баҳолаш тизими ишлатилади: активларни юқори ликвидлилиги; активларни сифат тузилиши ва уларни нарх тавсифи; активларни корхонани ўзининг сиёсатини ташқи муҳит ўзгаришларига боғлаб ўзгартира олиш қобилияти.²⁴

Кичик бизнесда кўпчилик тадбиркорлик таркибларининг қисқа ҳаётий даври корхоналарда бозор иқтисоди шароитида ҳуқуқий билимларни ўзлаштиришга сабаб бўлувчи заруриятдир. Бу тараққий топган давлатларни кўп йиллик тажрибаси асосида қимматбаҳо қоғозлар портфели билан ишлашни ўрганишдан иборатдир.²⁵

Қимматбаҳо қоғозлар портфели - бу бутун бир танҳо бошқариладиган қимматбаҳо қоғозга киритилган маблағлар йиғиндисидир.

Қимматбаҳо қоғозлар портфелини бошқариш - портфел таркибини таҳлил қилиш, тартибга солиш ва режалаштириш, уни шаклланиш фаолиятини амалга ошириш ва қўйилган мақсадларга эришиш учун унинг зарурий ликвидли савиясини, у билан боғлиқ бўлган Ҳаражатларни камайишини сақлаб қолишдир. Портфел қуйидаги мақсадлар учун бунёд этилади: фоиз олиш, капитални сақлаб қолиш ва капитал учун ўсишни таъминлаш (қимматбаҳо қоғозларни курс қийматини ошиши ҳисобига). Ушбу мақсадлар мақбул бўлишлари ва турли қимматбаҳо қоғозлар портфелига тўғри келиши керак.

КБХТ субъектлари фаолиятининг самарадорлиги кўпинча уларнинг ташкилий таркибига ҳамда раҳбарлик усулига боғлиқ, уларнинг турлича бирлашиши ходимларни ишга бўлган қизиқишини ошириб қолмасдан балки ташкилот турига хос ички чекланишлар ҳисобига қизиқиш камайиб кетиши ҳам мумкин.

²⁴ Уткин Э.А., Шабанов Д.С. Антикризисное управление в малом бизнесе: Учебно практическое пособие. - М.: ТЕИС, 2004. – 124с

²⁵ Абдуллаев А.,Муфтайдинов, Айбешов Х.” Кичик бизнесни бошқариш: : Дарслик Т.: Молия.- 2003.- 191б.

Бозор иқтисодига ўтиш бошқарув масалаларига бошқача муносабатни талаб қилади: яъни, уларни ҳўжалик юритувчи субъектини ичкарисидан эмас ташқарисидан, очик истиклолига қараши керак. Фақат шундай йўл билан тадбиркорлик фаолиятининг мақсадини корхоналарни ҳаёт циклини ҳар қандай этапида ошириш мумкин.

Биринчи иккинчи босқичда «ҳўжалик юритувчи субъектни туғилиши» ва «болалик даври» кичик бизнесни ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги билан тавсифлидир. Бунга сабаб Ғарбий мутахассислар ҳисоби бўйича банкротликни деярли 60% корхонани бошқара олмаслик ва тадбиркорлик фаолиятини самарасиз режалаштирилиши сабаб деб биладилар.

КБХТ бошқаруви меҳнатни паст савияда тақсимланиши билан тавсифланади. Бу эса баъзи бир тадбиркорларни ҳаддан ташқари иш билан бандлиги сабаби ҳисобланади ва шунинг учун бошқарув меҳнатни тўғри тақсимлаш, тадбирларни мақсадга мувофиқ ўтказиш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнес бўйича мутахассислар бошқарувнинг мақбул шакллари излаб топишда қуйидаги фикр мулоҳазаларга аҳамият берадилар: ҳар қандай бошқарув усули маълум вазифа ва мақсад билан боғлиқ бўлмоғи керак.

Кичик бизнес корхоналарида раҳбарликни ишга ва одамга мўлжалланган такомиллаштирилган усули кенг тараққий топмоқда. Корхона раҳбари ишловчилар меҳнатини тўғри ташкил қилишни таъминлаш эмас, балки корхонани молиявий, маъмурий, тижорат ва моддий бойликларини тўғри ишлатиш масаласини ҳал қилиши ҳам керак.


Шунинг учун бошқарувни доимий такомиллаштирилиши фирмани тез ўзгарувчи ташқи муҳитга кўникиш қобилиятига боғлиқ, яъни табиий ташкилий жараёнлар аралашиш таъсирини пасайтириш ўрнига

кўпайтириш зарур. Ўз ишининг устаси ҳисобланган тадбиркорлар учун ўз ташкилотини вақтида янгилашни ўз онги билан тушуниш муҳим ҳисобланади. Менежернинг бирдан-бир асосий вазифаси – корхона тараққиётининг истиклолини куришдир.


КБХТ нинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кегайиб бормоқда. Унинг мамлакатимиз экспорт ҳажмидаги улушм 2011 йилда 18.8 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 8.6 фоизга кўпдир (2.1.2-расм). Кичик бизнес субъектларининг асосий экспорт маҳсулотларини қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлов берувчи, электротехник ишлаб чиқариш маҳсулотлари, халқ амалий санъати буюмлари ташкил этади.

2.1.2-расм.

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортдаги улуши
(фоизда)**



2011-2015 йилларда халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредитлар миқдори (млн.АҚШдоллар)



Мамлакатимизда КБХТ ни ривожлантиришда хорижий инвестициялар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ва бошқа хорижий инвесторлар томонидан катта миқдорда кредитлар ажратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011 – 2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, халқаро молия институтлари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратилган грантлар ва кредит линиялари миқдори 2011 йилда 75 миллион АҚШ долларини, 2015 йилга бориб эса 155 миллион АҚШ долларини ташкил этиши мўлжалланган (2.1.3-расм)²⁶.

²⁶ www.press-service.uz

2.2 КБХТ субъектларининг барқарорлик омиллари ва уларни баҳолаш усуллари

Бугунги кунда республикамиздаги устувор йўналишлардан бири – аҳоли бандлигини ошириш, ишчи кучидан мақсадли фойдаланиш, фойдали меҳнатга лаёқатли аҳолининг илмий салоҳиятини оширишга қаратилмоқда.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида КБХТ нинг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролига алоҳида эътибор бериб, «Ҳисобот йилида янги иш ўринлари ташкил этиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масаласини ҳал қилиш ҳам эътиборимизни марказида бўлди. Ҳудудий бандлик дастурларининг амалга оширилиши натижасида яратилган 1 миллионга яқин иш ўринининг 68 фоиздан кўпроғи қишлоқ жойларда ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоизидан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди»²⁷, - деб алоҳида таъкидлади.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (2.2.1-жадвал).

²⁷ 2012 йил Ватанимиз таракқиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий йўналишлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, 2010 йилда мамлакатимизда жами 950 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 600 мингга кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган. 2011 йилда эса бир миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоиздан ортиғи кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоиздан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди. 2011 йилда КБХТ соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 74,8 фоизи фаолият кўрсатди (2.2.1-расм).

2.2.1-жадвал

Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши


Кўрсаткичлар номи	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	661	940,5	950	1000
шу жумладан:				
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, минг киши	374,3	391,8	600	640
фоиз ҳисобида	57,0	41,7	65	64
Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиз ҳисобида	72,7	74,2	74,3	74,8

Республикаимиз Президенти Ислон Каримов 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида «...Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг диққат

марказимизда туриши зарур. Ушбу дастурга биноан 967 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 600 мингини қишлоқ жойларида ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда КБХТ ни янада ривожлантириш ҳисобидан 480 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шакллари, шунингдек, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 210 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи барчамизнинг жиддий ва доимий эътиборимиз марказида туриши зарур. Бу йил юртимизда 516 минг нафардан зиёд йигит-қиз коллеж ва лицейларни тамомлайди. Уларнинг қаерга ишга жойлашишини ҳозирданок аниқ белгилаб олиш, корхоналар билан ишлаб чиқариш амалиётини ўташ ва ундан сўнг ишга қабул қилиш бўйича шартномаларнинг ўз вақтида тузилишини таъминлаш – бундай масалаларни алоҳида назоратга олиш лозим»²⁸, - деб таъкидлади.

2.2.1-расм.

КБХТ нинг бандликдаги улуши.



²⁸ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Статистик маълумотлар кўрсатишича, бугунги кунда республикамизда жами банд бўлганларнинг 20 фоизи давлат, 80 фоизи нодавлат, шунингдек, 74 фоизи хусусий соҳада меҳнат қилмоқда. Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларнинг сони қисқариб, хусусий соҳада бандликнинг ортиши юз бераётганлигини кўрсатади. Бу эса республикамиз ҳукумати томонидан КБХТ қа кенг йўл очиб берилиши, шунинг асосида аҳолининг бандлигини оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотларнинг янги босқичида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича ишлар амалга оширилмоқда:

- иқтисодиётни ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;
- КБХТ қа кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб-қувватланмоқда;
- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;
- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан маълум бўладики, ишчи кучига талабнинг ошиши бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодиёт тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга, энг аввало, мулкчилик

шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кутариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Муҳим иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, илғор технологияларни тадбиқ этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларни ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутди ва ишчи кучига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. КБХТ нинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари хизмат қилади. Бугунги кунда, айниқса, минтақаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни ишчи кучи билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Республикамизда меҳнат биржаси ва бандлик хизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта уқитиш, бандликка кумаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулландилар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йўли билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилди. Иқтисодиёт тармоқларида, айниқса, қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотлар амалга оширилиб, ходимлар ва иш

берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди.

Юқоридагиларга асосланиб, республикамиз ва унинг минтақаларида аҳолининг бандлигини ошириш, ишчи кучидан самарали фойдаланишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроги қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга ярокли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

- айти пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала – ёшларни, булгуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилган ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислох қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси булмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий укув юртларининг тажрибали амалиётчи ва уқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим;

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан – йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг мунтазам ташкил қилинишини таъминлаш зарур;

- ишчи кучига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик хизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтақаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳолии бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ислохотларни амалга ошириш зарур;

- аҳолининг оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бориш лозим;

- қайта ишлаш саноати, хизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- ишчи кучига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи КБХТ фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳолии бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш лозим.

Шу билан бирга, мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 21 январда бўлиб ўтган мажлисида умуман аҳолининг, шу жумладан, ёшларни иш билан таъминлаш, жумладан,

шаҳар, вилоятлардаги ёшларни коллежни битирганларидансўнг ўз соҳалари бўйича иш топишларини таъминлаш борасида мақсадли режалар тайёрлаш ва уни амалга ошириш масалаларини урганиб чиқишни, «корхона – коллеж» алоқаларини йўлга қуйишни қўллаб-қувватлашни таъкидлаб ўтди.

Меҳнат бозорида ёшлар гуруҳининг бошқа гуруҳларга караганда бетакрорлиги шундаки, айнан ёшлар меҳнат бозорига илк бора кириб борадилар. Улар мобилъ, янгиликка тез урганувчан, ўз кучига ишонувчан, лекин ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлардаги хатоликлар ва камчиликлар уларнинг соҳаларига мос иш топишлари, ҳаётий эҳтиёжларини кондиритиш учун етарли иш ҳақи билан таъминланмасликларига олиб келади. Ҳозирги даврда ёшларни иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан:

- кўпчилик ёшлар ўзлари ҳали қандай фирма ёки компанияда ишлашни хоҳлашларини кўз олдиларига келтира олмайдилар, яъни қандай ишни танлашни аниқ билмайдилар;

- ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги натижасида иш берувчилар уларни ёллашни хоҳламайдилар, кўпинча улар камида 3 йиллик иш стажига эга бўлганларни ишга олишни хоҳлайдилар.

Бу муаммоларни ҳал қилиш мақсадида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлда қабул қилинган “Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда ёшларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун кенг шароитлар яратилмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Коллежлар ва корхоналар ўртасида битирувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётини уташи ва келажакда мазкур корхоналарда ишга жойлашиши бўйича шартномалар тузиш йўлга қуйилди. Мазкур келишувлар асосида 2011 йилда 390 мингдан ортиқ битирувчи иш билан таъминланди.

Мамлакатимизнинг ёшлар меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меёрий ҳужжатларни такомиллаштириш;

- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

- ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;

- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қувватлаш;

- ёш тадбиркорларни бозор конъюктураси, хом ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;

- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

2012 йилда мамлакатимизда 967,5 минг иш ўринлари яратиш мулжалланган бўлиб, шундан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга

тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва кувватларни янгилаш ҳисобидан 57,9 минг иш ўрни, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан 365,6 минг иш ўрни, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан, 117,2 минг иш ўрни, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан 217,2 минг иш ўрни, фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш ҳисобидан 122,7 минг иш ўрни, ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан 73 минг иш ўрни, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан эса 13,6 минг иш ўрни яратилади (2.2.2 – жадвал).

2.2.2 – жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2011-2012 йилларда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолии бандлигини таъминлаш дастури (минг киши)

Т/р	Йўналишлар	2011 йил	2012 йил
	Иш ўринларини ташкил этиш, жами	956,2	967,5
	шу жумладан, қуйидагилар ҳисобидан		
1.	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш	57,5	57,9
2.	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	365,8	365,9
3.	Яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	111,9	117,2
4.	Касаначиликнинг барча шакллариини ташкил этиш	216,1	217,2
5.	Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, баликчилик, асаларичилик)	122,4	122,7
6.	Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	72,9	73,0
7.	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	9,6	13,6

Жадвалдан кўриниб турибдики, 2012 йилда мамлакатимизда жами 967,5 мингта янги иш ўрни ташкил этиш мулжалланган бўлиб, уларнинг

карийб ярмини кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиши якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилади.

Касб-ҳунар коллежлари фаолиятидаги энг заиф бугин ҳисобланган ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1. 9-синф битирувчилари касб-ҳунар таълими билан тўлақонли камраб олинишини назарда тўтган ҳолда, уларни уқишга қабул қилишни тегишли равишда тартибга солиш;

2. Ўқитувчилар таркибини тайёрлаш сифати ва уларнинг малакасини ошириш масаласига алоҳида аҳамият қаратиш;

3. Касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш.

Шу билан бирга, бугунги кунда касб-ҳунар коллежларини тамомлаб чиқаётган битирувчиларни ишга жойлаштириш масаласини ижобий ҳал қилиш мақсадида корхоналарда квотали иш ўринлари шакллантирилмокда; меҳнат органлари касб-ҳунар коллежлари билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормокда; касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш ва улар меҳнатидан самарали фойдаланишга қаратилган ҳудудий дастурлар ишлаб чиқилмокда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вилоятлар, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда Ҳар бир туман ва шаҳар бўйича коллежларнинг битирувчиларини ўз мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш юзасидан аниқ мақсадли режаларни тайёрламокда ва уларни амалга оширмокда.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 2012 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш;
- уй меҳнати (қасаначилик) ни ривожлантириш;
- янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш;
- фермер ва аҳолии хўжаликлари имкониятларидан кенгрок фойдаланиш, интенсив технологиларни жорий этиш;
- ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш, молиявий соғломлаштириш ва бошқалар.

2.3 Ўзбекистонда КБХТ барқарорлиги ва ривожлантириш истиқболлари

Республикамизнинг иқтисодий тараққиёти, иқтисодий мустақиллиги, халкининг фаровон турмуш даражаси, қолаверса, меҳнат ресурсларининг иш билан бандлик даражаси КБХТ нинг ривожига билан боғлиқдир. Бу ҳолат эса корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини рағбатлантириш билан тавсифланади.

Истиқболда иқтисодиёт тармоқларида ҳам ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши асосида руй беради.

Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг мамлакатимиз тараққиётида, авваламбор, халкимиз учун муносиб ҳаёт барпо этиш, олдимизда турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни амалга ошириш борасида қандай ҳал қилувчи ўрин ва таъсирга эга бўлиб бораётганига бугун амалий ҳаётимизда Ҳар қадамда гувоҳ бўлмоқдамиз. Ва бу соҳа эртанги кунимиз, истиқболимизнинг ҳақиқатдан ҳам мустаҳкам пойдеворига айланиб, янада ривожланиб бориши аниқ ва мукаррардир”²⁹.

Умумий саноат маҳсулотини ишлаб чиқаришда истиқболда ўзгаришлар саноат соҳасига талаб натижасида содир бўлади, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи кичик корхоналарнинг ривожланиши ҳисобига бу соҳа янада юксалади. Савдо айланмасининг тўлиқ мувофиқлашуви натижасида бу соҳада кўрсаткич улиши пасайиши содир бўлади.

²⁹ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Худудларнинг машинасозлик ва металлга ишлов бериш, енгил саноат, айникса, трикотаж, тикувчилик буюмлари, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган соҳаларида кичик бизнеснинг урн ива улуши етарли даражада эмас. Ваҳоланки, барча соҳада ишлаб чиқариш фаоллиги тенглашса, ижобий натижаларга эришамиз.

Республикада кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини яратилган имкониятлардан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин. Ҳисобимизга кўра, 2015 йилга бориб, республика бўйича кичик бизнеснинг ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмидаги улушини 61,1 фоизга етказиш, кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2,5 фоиздан кам бўлмаган ҳолатдагина амалга ошади.

Бунинг учун худудлардаги кичик тадбиркорлик корхоналарининг республика бўйича ишлаб чиқарилган ЯИМ даги улушининг истикболда қуйидаги ҳолатда усиб боришига эришиш зарур (2.3.1 – жадвал).

Жадвалдан кўринадики, Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлардан, Наманган, Фарғона, Хоразм, Қашқадарё, Навоий, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик корхоналарининг йиллик маҳсулот ишлаб чиқаришининг ўсиши 2 баробардан кам бўлмаган ҳолатни изохлаган.

Албатта бу кўрсаткич ривожланган давлатларда, масалан АКШ да 75-82 фоизни, Японияда 81 фоизни, Италияда 74 фоизни ташкил этади. Республикада кичик бизнеснинг бундай кўрсаткичларга эришиши тадбиркорлик фаоллиги орқали амалга ошади. Истикболда кутиладиган натижалар, асосан, кичик тадбиркорликнинг фаол ривожланиши эвазига руй беради. Бу эса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулот микдорининг ўсиш динамикасини таъминлайди (2.3.2 – жадвал).

Республика ЯИМ да ҳудудлардаги кичик корхоналарнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушининг истиқболда усиб бориши (фоиз ҳисобида)³⁰

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилдан 2000 йилга нисбатан ўсиши, фоиз
Ўзбекистон Республикаси	31.0	38.2	52.1	66.1	213,2
Коракалпоғистон Республикаси	26.9	48.9	57.9	66.9	248,7
Вилоятлар:					
Андижон	32.9	38.7	49.9	61.1	185,7
Бухоро	33.0	44.4	51.1	57.8	175,2
Жиззах	37.1	64.4	73.0	79.8	215,1
Кашкадарё	25.8	38.4	45.8	58.4	226,4
Навоий	21.5	20.9	33.5	46.1	214,4
Наманган	33.4	51.4	75.4	81.4	243,7
Самарканд	44.3	54.5	68.3	78.9	178,1
Сурхондарё	39.1	45.9	64.8	81.7	208,9
Сирдарё	38.9	58.8	72.5	80.6	207,2
Тошкент	34.0	36.3	45.6	54.9	161,5
Фаргона	32.0	43.9	64.7	82.3	257,2
Хоразм	34.2	54.2	78.3	81.9	239,5
Тошкент шаҳри	41.5	54.3	70.2	79.1	190,6

Ҳудудлар бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг истиқболда усиб бориш динамикаси корхоналар миқдорининг усиб бориш ҳолати бўйича таҳлил этсак, бу ҳолат қўшимча янги кичик корхоналарнинг ташкил этилиши ҳисобига амалга ошади.

³⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кумитасининг йиллик статистик туплами (1991-2012)

Яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳудудларда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши таъминланади. Жумладан, кичик корхоналарнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига истиқболда кўзланган натижаларга эришиш таъминланади.

2.3.2 – жадвал

Истиқболда ҳудудлар бўйича кичик тадбиркорлик корхоналари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши (миллион сумм ҳисобида)³¹

Республика ҳудудлари	2000 й	2005 й	2010 й	2015 й	2015 йилдан 2000 йилга нисбатан ўсиши, фоиз
Ўзбекистон Республикаси	892573,0	956838,2	1089938,7	1223039,2	137,0
Коракалпоғистон Республикаси	18786,6	22919,6	24982,3	27045	143,9
Вилоятлар:					
Андижон	70178,8	74249,1	82564,9	90880,7	129,5
Бухоро	46619,4	51934,0	55413,5	58893,1	126,3
Жиззах	31281,6	39821,3	43245,9	46670,5	149,2
Кашкадарё	61485,8	69233,0	74356,2	79479,4	129,3
Навоий	24940,4	25065,1	29100,5	33135,9	132,9
Наманган	50919,4	60084,8	74505,1	88925,4	174,6
Самарканд	67851,2	74772,0	85090,5	95409,0	140,6
Сурхондарё	82241,4	87833,5	104434,0	121034,5	147,2
Сирдарё	34155,4	40952,3	46562,7	52173,1	152,8
Тошкент	110782,4	112655,7	123143,6	133621,5	1206,
Фарғона	104838,6	117314,3	141715,6	166116,9	158,5
Хоразм	36708,7	44050,4	54666,5	65282,6	177,8
Тошкент шаҳри	219770,8	247901,4	287813,5	327426,6	148,9

³¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Кумитасининг йиллик статистик туплами (1991-2012)

Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги иқтисодий фаолият жараёнлари ва унинг натижаларини акс эттирувчи кўрсаткичларда кичик бизнес улушининг юқори бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида ҳар йили янги иш ўринлари яратилмоқда. Жумладан, 2013 йилда 972.7 мингта янги иш ўрни ташкил этиш назарда тутилмоқда³². Бу иш ўринлари янги йирик саноат объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтириш, кичик бизнес, хусусий ва оилавий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантиришни бундан буён ҳам рағбатлантиришни, касаначилик имкониятларини, шу жумладан, йирик корхонлар билан кооперациялашган касаначилик имкониятларин кучайтириш ҳисобидан ташкил этилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш учун мақсадли ажратилган кредитлар, имтиёзлар ва бошқалар, уларнинг капитал ҳажмини кескин ошириш, айниқса фирманинг хусусий капиталининг кўпайиши, аниқроғи, фирма хусусий капитали билан жалб қилинган заём капиталининг нисбатида хусусий капитал ҳиссасини ошириш фирма барқарорлиги, яшовчанлиги ва ҳавфсизлигининг бош молиявий – иқтисодий асоси бўлиб хизмат қилади.

³² 2013 йилда иш ўрни ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Давлат дастури.

3-боб. «Урганч Пазанда» хусусий корхонаси барқарорлигини ошириш омиллари

3.1 «Урганч Пазанда» хусусий корхонасининг ташкил топиши ва фаолияти таҳлили

Ўзбекистон Республикасининг 2003 – йил 11 декабрь «Хусусий корхона туғрисида» ги қонуни ва таъсисчининг маблағи асосида хусусий корхоналар ташкил қилишнинг ҳуқуқий – меъёрий асослари бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида, “Урганч Пазанда” хусусий корхонаси ҳам таъсисчининг маблағи асосида ташкил қилинган.

Таъсисчи сифатида Атабаева Шоира Хасанбоевна, Раҳбар сифатида Абдалазизов Темур Каримович тасдиқланган. Ушбу хусусий корхона Хоразм вилояти Урганч тумани Чаккашоликор қишлоғида жойлашган.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси Урганч тумани Хокимлиги ҳузуридаги “Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш” инспекцияси томонидан 2008 йил 2 сентябрь № 209 сонли реестр рақам билан давлат рўйхатига олиниб, ўз Низомига, штамп ва муҳрига эга бўлди ҳамда фаолият юрита бошлади.

Корхонанинг фаолияти мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

1. Корхонанинг фаолияти юритишдан мақсад узини ишлаб чиқариш хўжалик фаолиятидан даромад, фойда олиш ҳисобланади.

2. Корхона ўз мақсадидан келиб чиқиб, фаолиятини қуйидаги турларда олиб боради:

- умумий овқатланиш хизмати кўрсатиш (чойхона, кафе, балиқхона, ошхона);
- нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;

- чакана савдо;
- аҳолига маданий тўйхона хизмати кўрсатиш;
- лидер аҳолига телекоммуникация хизмати кўрсатиш;
- компьютер хизмати ва бошқаларни ташкил қилиш;
- қишлоқ хўжалик, чорвачилик, паррандачилик маҳсулотлари етиштириш, сотиб олиш, қайта ишлаш ва сотиш;
- автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари ташкил қилиш (техник хизмат, мой алмаштириш, ювиш хизмати, таъмирлаш ва бошқа);
- умумий қурилиш монтаж, таъмирлаш, сантехника пайвандлаш, токорлик, электрогаз ишлари жихозлаш, безак бериш ва бошқа хизматларни бажариш;
- озиқ-овқат ва ноозиқ овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш;
- спиртли ва спиртсиз ичимликлар сотиб олиш ва сотиш (махсус рухсатнома олган ҳолда);
- аҳолига майиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини очиш тикувчилик ва тўқувчилик сартарошлик, этикдўзлик, дурадгорчилик пайвандлаш йеҳларини ташкил этиш;
- қонунда таъқиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш;

Агарда маълум бир фаолият тури учун белгилаб қуйидаги тартибга асослан рухсатнома (лицензия) талаб қилинадиган бўлса, у ҳолда корхона бундай фаолият билан тегишли рухсатномасиз шуғуллаланиши мумкин эмас.

Корхона ўз олдига қўйган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- шартномалар тузиш, олди сотди операциялари ва бошқа юридик ҳаракатларни амалга ошириш;
- амалдаги қонунчиликка асосан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- бинолар, иншоотлар, корхона, транспорт воситалари ва бошқа кўчар ва кўчмас мулкни олиш ва ижарага бериш;
- ишлаб сиқарилган маҳсулоти, кўрсатилган хизматига бозор конъюктурасини ҳисобга олган ҳолда мустақил равишда ёки келишилган баҳоларда нарх белгилаш;
- банк кредитларидан фойдаланиш;
- ярмарка ва кургазмаларда иштирок этиш;
- юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган бошқа корхоналар ташкил этиш, филиаллар ва ваколатхоналар очиш;
- уюшма ва бирлашмаларга аъзо бўлиб кириш;
- амалдаги қонунчиликка мувофиқ корхоналарга бериладиган бошқа ҳуқуқларидан фойдаланиш;

Корхона ўз низоми (устави)га риоя қилиш, бошқарув органлари қарорларини ижро этади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва низомида кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

Ушбу хусусий корхона амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия, статистика ҳисоби ва ҳисоботларни юритади. Корхонанинг молия – хўжалик фаолияти устидан назоратни корхона эгаси – мулкдор ўзи мустақил ёки у томонидан тайинланадиган тафтишчи амалга оширади.

Корхона эгаси ҳисобот маълумотлари ҳақиқийлиги учун қонун олдида ўрнатилган тартибда жавоб беради.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси асосан умумий овқатланиш тармоқ турига мўлжалланган бўлиб, кўпинча балиқ маҳсулотларини истеъмолчиларга етказиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган. Дастлабки йилларда хусусий корхона кунига уртача ҳисобда 10 кгдан балиқ маҳсулотларини истеъмолчилар учун тайёрлаган бўлса, ҳозирга келиб 1 кунда 250-300 кг балиқ маҳсулотлари тайёрлаб, хизмат кўрсатиш ҳажмини 25-30 баробар оширишга эришди.


“Урганч Пазанда” хусусий корхонасининг 2009 йил сентябрь ҳолатига соф тушуми 638.000 сўмни, терминал орқали тушган тушум эса 357.000 сўм, ҳисобланган ойлик маоши 477.620 сўмни ташкил қилган. Кейинги йилларга келиб, бу кўрсаткичларни янада оширишга эришди ва уларни мос равишда 2.6 ва 3.5 марта ўсди. Хусусан, 2013 йил ҳолатига соф тушум 15.977.200 сўмни, ҳисобланган ойлик маоши 1.414.100 сўмни ташкил қилган (3.3.1-жадвал).

3.3.1-жадвал

Йил ҳолатига	Соф тушум	Терминалдан тушган тушум	Ҳисобланган ойлик маоши
01/09-2009йил	638000	357000	477620
01/01-2010йил	1535600	2120400	824145
01/01-2011йил	-	5742240	1334240
01/01-2012йил	-	-	1310595
01/01-2013йил	15977200	-	1414100

Бу кўрсаткичларнинг ўсишини график шаклда қуйидаги кўринишда ҳам кузатишимиз мумкин (3.3.1-расм).

3.3.1-расм



3.2 «Урганч Пазанда» хусусий корхонасининг барқарорлигини баҳолаш ва ривожланиш йўналишлари

2011-2015 йиллар даврида Ўзбекистон иқтисодиётида ислохотлар микёсини кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар Дасурини амалга ошириш доирасида фақатгина сўнгги йилнинг ўзида тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат қилувчи идоралар аралашувини камайтиришга оид аниқ чора-тадбирлар руёбга чиқарилди.


Кейинги йилларда Ўзбекистонда бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, рақобатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни рағбатлантириш йўлидан изчил олга силжиш борасида кенг кўламдаги чора-тадбирлар комплекси қабул қилинди.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси ташкил қилинганига 5 йил муддат бўлган булсада, ўз фаолиятини ривожлантириш, барқарорлигини таъминлашга эришмоқда. Корхона ишлаб чиқариш харажатларини бир мунча камайтириш мақсадида истеъмол қилинадиган нон маҳсулотларини ўзида ишлаб чиқаришни 2012 йилдан йўлга қўйди ва натижада хизмат харажатларини деярли икки баробар камайтиришга эришди ва барқарор даромад олиш имкониятини янада оширди.

Ушбу структура бевосита бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади. Хўжалик мудири ошпаз, официант ва ишчиларни назорат қилади. Кассир бевосита тушган тушумни бухгалтерга топширади, бухгалтер эса кунлик ҳисобланган тушумни инкассаторлар орқали банкдаги шахсий ҳисоб рақамига ўтказди. Қилинадиган харажатлар ва


ишчиларнинг ойлик маошлари учун раҳбар банкдаги ҳисоб рақамидан маблағ олади.

Корхонанинг **бошқарув структураси** қуйидагича тартибга эга:



“Урганч Пазанда” хусусий корхонасининг 1 кунлик истеъмол қилинадиган маҳсулотлари 3.2.1-расм орқали тақсимланган. Энг кўп истеъмол қилинадиган маҳсулот балиқ маҳсулотларидир. Товуқ гўшти маҳсулотлари истеъмолчилар талабларига кўра тайёрланади, нон маҳсулотлари кунига ўртача ҳисобда 250-300 донани ташкил қилади.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси барқарорлигини, унинг имконият ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда, корхонани SWOT таҳлилдан ўтказиб кўришимиз мумкин (3.2.1-жадвал).



3.2.1-жадвал.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонасининг SWOT таҳлили.

Кучли 1. Замонавий асбоб-анжомлар билан жиҳозланганлиги 2. Ихчам бошқарув структурасига эгалиги 3. Сифатли маҳсулотлар билан таъминланганлик 4. Доимий мижозларга эга эканлиги	Заиф 1. Корхонанинг чекка худудда жойлашганлиги 2. Қиш ойларида газ билан таъминланмаганлик
Имкониятлар 1. Банкдан исталганча кредит олиши 2. Ягона солиқ ставкаларининг имконият доирасида белгиланганлиги 3. Истеъмол қилинган маҳсулотлар қийматини ташкилотлар шартнома асосида пул ўтказиш йўли билан тўлай олишлик	Таҳдидлар 1. Рақобатчи корхоналарнинг кўплиги ва кенгайиб бориши 2. Ёз фаслида балиқ маҳсулотларига бўлган талабнинг камайиши

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси келажак фаолиятида фойдани янада ошириш, истеъмолчиларни кўпайтириш, жалб қилиш мақсадида инновацион лойиҳалар ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Буларга мисол қилиб, истеъмолчиларни жалб қилиш, мақсад овқатланиш эмас балки хордиқ чиқариш, эстетик завқ олиш ҳам эканлигини таъминлашни кўзда тутиб, ўтириш жойларининг турли хил шаклда жиҳозланишига, турли хил шаклда қурилишига эътибор қаратилган. Турли хил миллат вакиллари жалб қилиш мақсадида шу миллат анъаналарига мослаштирилган утириш жойлари ташкил қилинган, миллий овқатлари ва ноз – неъматлари тайёрланади. Жумладан, қозоқ миллатига мослаштириб қурилган ва жиҳозланган Ўтов, рус миллатига мослаштириб қурилган ёҳоч уйлар ва бошқалар. Ҳозирда рақобатчилардан ажралиб туриш мақсадида янги қурилаётган дам олиш ва овқатланиш хонаси янгича шаклда, яъни 2 та ёғочдан бочка шаклида, 12 ўринга мўлжалланиб қурилмоқда. Бу бевосита истеъмолчиларни кўп жалб қилиш, қулайлик яратиш, равобатчи корхоналардан олдинда бўлишни таъминлайди.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонасининг 2013 йил 1 январь ҳолатига соф тушуми 15977.0 минг сўмни ташкил қилган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йил 1 январь ҳолатига 20000.0 млн. сўмни ташкил қилиши режалаштирилмоқда, яъни ўсиш 24 фоиз бўлиши мақсад қилинган.

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси иш бошлаган даврларда банкдаги ўз ҳисоб рақамидан ўртача ойига 1.000.000 млн. сўм миқдорида олган бўлса, 2010 йилга келиб 2.500.000 минг сўм, 2011 йилга келиб 3.500.000 сўм, 2012 йилга келиб 4.600.000 сўм, 2013 йилга келиб 5.000.000 млн. сўм миқдорида керакли маҳсулотларни ва зарур эҳтиёжларни сотиб олиш учун сарфлади (3.2.2-расм).

“Урганч Пазанда” хусусий корхонаси фаолияти давомида давлат солиқларини ўз вақтида ўтказиб борган. Давлатнинг солиқ ва тўловлари хусусий корхонанинг фаолияти давомида олган даромадлари, ишланган ойлик маошларидан ҳисоблаб чиқилади. 3.2.2 – жадвалда хусусий


корхонанинг йиллар давомида ҳисобланган солиқ ва тўловлари кўрсатилган. Ходимларга ҳисобланган ойлик маошидан ажратилган пенсия ажратмаси 2008, 2009, 2010 йилларда 24% ни ташкил қилган бўлса, 2011 йилдан бошлаб 25% га кўтарилган.

3.2.2 – жадвал.

	2009 йил январь ҳолатига	2010 йил январь ҳолатига	2011 йил январь ҳолатига	2012 йил январь ҳолатига	2013 йил январь ҳолатига
1. Даромад солиғи	69000	205000	300000	402500	819000
2. Ягона солиқ тўлови	1104000	3927000	5766000	1836000	5312700
3. Ижтимоий тўлов	5800	18000	19000	81100	281500
4. Пенсия ажратмаси	137300	615000	372000	1604700	1808700

3.2.2-расм

Корхонанинг ўз ҳисоб рақамидан олган нақд пуллари таҳлили



Хулоса.

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили жорий этилган бўлиб, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш билан боғлиқ қонунчиликдаги муаммолар бартараф этиб бўлмайдиган карама-қаршилик ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъекти фойдасига талқин қилиниши белгилаб қўйилган.

Республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг вужудга келиш замини, шаклланиши даврлари ва жараёнлари бевосита давлатимиз ривожига катта ҳисса қўшмоқда. Шу сабабли, КБХТ барқарорлик кўрсаткичларини ўрганиш ва унинг давомийлигини сақлаш 1-боб орқали очиб берилган.

Юртимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ва кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарорлигини мустаҳкамлаш борасидаги чора-тадбирлар ўзининг илк натижаларини кўрсатаётганини таъкидлаш жоиз. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди³³. Албатта, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ва барқарорлигининг ўрни каттадир.

Республикаимизда кичик бизнесни кўллаб-қувватлашда амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, тадбиркорликнинг барқарор ривожланишини рағбатлантиришнинг усулларини такомиллаштириш натижасида янги иш ўринларини ташкил этилиши ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлашга эришилмоқда. Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши қилиб белгиланди.

³³ 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга қўтарадиган йил бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий – иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 2012 йил 20 январь, № 14.

Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013 йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда.

Шу билан бир қаторда, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес субъектлари фаолиятининг барқарор ривожланиши, рақобатчилик муҳитига мослашиши ва рақобатчиларни енга олиши инновацион лойиҳалар ишлаб чиқишини талаб қилади. Бунинг учун давлатимиз томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлашга оид турли хил имтиёзлар, имкониятлар белгилаб берилган. Жумладан, солиқ тизимида. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётганлиги ҳисобланади. Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби – кичик бизнес субъектларини рағбатлантириш мақсадида қўлланиладиган солиққа тортиш тартиби ҳисобланади. Ягона солиқ тўлови эса бунга мисол бўла олади. Ягона солиқ тўлови – кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли солиқ ва йиғимлар ўрнига соддалаштирилган тартибда тўланувчи ягона солиқ туридир.

Энг муҳими кичик бизнес барқарорлиги асоси бўлган хусусий капиталнинг ҳажмини ўстиришга, айниқса унинг жалб қилинган заём капиталига нисбатан улушининг ўсишига қаратилган қатор молиявий – иқтисодий чора – тадбирлар кўрилмоқда. Шу билан бирга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳозирги иқтисодий-ижтимоий тараққиётда инсон омилининг инновация йўналишидаги илғор замонавий тури сифатида миллий иқтисодиётнинг барқарорлигини мустаҳкамлайди ва унинг янги марраларга эришишида ишончли омил бўлиб хизмат қилади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиққан ҳолда Хоразм вилояти Урганч туманида жойлашган “Урганч Пазанда” хусусий корхонасининг бизнес тараққиёти таҳлил қилинди. Гарчан, ушбу хусусий корхона ташкил қилинганига кўп муддат бўлмаган бўлсада, корхона ўзининг мавқеига, доимий мижозларига эга. Корхона барқарорлигини таъминлашда янги хизмат турларини кенгайтириш, сифатни янада ошириш, мижозларга янада қулай шароит яратиш, ушбу ҳудуд доирасида қўшимча инновацион фаолият лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш, фойдани янада ошириш, шу ҳудуд аҳолисини ижтимоий – иқтисодий ривожини таъминлашда янги иш ўринларини яратишга алоҳида катта эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонун. Т.: Адолат, 1994.-173б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонуни. 1995й.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида”ги Қонуни. Т.: Адолат, 1998й.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 11 мартдаги ПҚ-1501-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлаш ҳажмларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-1675 – сонли Қарори
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сонли “2011 – 2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тижорат банкларининг кичик тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2000 йил 19 майдаги 195-сон Қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 19 мартдаги 79-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 12 майдаги Қарори .//Халқ сўзи,2011 йил 13 май.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” давлат дастури тўғрисидаги 2011 йил 7 февралдаги Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида 2003 йилнинг 30 августда 3305 – сон Фармони
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги ПФ-4192-сонли “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги ПФ-4354-сонли “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.

14. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора тadbирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2005 йил 14 июнь.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тadbиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелдаги Фармони.//Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 майдаги “Тadbиркорлик субъектларини текширишлари янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тadbирлар тўғрисида”ги ПФ-4296-сонли Фармони.//Халқ сўзи, 2011 йил 5 май.
17. Кичик ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ўзбекистон Республикаси тadbиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари (1995 йил 21 декабрь №159-7).
18. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
19. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009. – 24 б.
20. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.,«Ўзбекистон», 1998 й.

21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
22. И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.-Т.,1995й.
23. И.А.Каримов. Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Т.: Ўзбекистон, 1992.-62б.
24. И.А.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.,1998й.
25. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигиниянада юксалтиришдир. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2010.
26. И.А.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2010.
27. И.А.Каримов. Ўзбекистон ХХІасрга интилмоқда. Т.: O‘zbekiston.1997й.

II. Асосий ва қўшимча адабиётлар:

28. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес.-Т.: “Шарқ”,2002й.
29. Дўстжонов Т.Д., Салаев С.К. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. Урганч.Хоразм. 1997й.
30. Салаев С., Файзуллаев Н.,Атаев Ж., Саидов Д., Гулмонов М. Тадбиркорлик асослари.-Т.:”Фан ва технология”,нашриёти, 2012й.
31. Ҳамроев Х. Тадбиркорлик асослари.-Т.: “Янги нашр” нашриёти, 2010й.

32. Дустжонов Т., салаев С. Иқтисодиёт ва тадбиркорлик асослари.-Т.: “Иқтисод-Молия”, 2006й.
33. Салаев С. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида кичик ва ўрта бизнес: муаммо , таҳлиллар ва истиқболлар.-Т.: “Фан” нашриёти, 2002й.
34. Қосимова М.С., Шодибекова Д.А., Юсупов М.А., Самадов А.Н. Кичик бизнесни бошқариш.-Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005й.
35. Жалолов Ж., Фаттахов А., Ахмедов И., Хотамов И., Ходжамуратова Г., Азларова А., Шадманкулов А., Жалолова Д., Қосимов Д. Бизнес маркетинги.-Т.:”Иқтисод-Молия”,2007й.
36. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иқтисодиёт Институти. Ўзбекистон: Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, инновацион тараққиёт ва миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш.-Т.: “Konsauditinform-Nashr”, 2011й.
37. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Тошкент Давлат Юридик Институти. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик – ижтимоий ва сиёсий барқарорлик кақолати (Ўқув-услугий мажмуа). -Т.: “Адолат”, 2011й.
38. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги “2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма. - Т.: “Ўқитувчи” нашриёти-матбаа ижодий уйи, 2012й.

39. Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув қўлланма. –Т.: “Ўқитувчи” нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. -156.
40. В.А.Чжен. Бозор қонуният асослари. Т.: 1996.-211-312б.
41. У.Ғофуров. Кичик корхоналар самарадорлигини қандай ошириш мумкин. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 1999. № 1-2. 17-21б.
- 42.
43. Менежмент малого бизнеса: Учебник /Под. Ред. проф М.М. Максимцова и проф. В.Я.Горфинкеля.-М.: Вузовский учебник, 2004.- 269с.
44. Основы бизнеса / Под.ред. Ю. Б. Рубина. Учебник. 6-е изд. - М.: Маркет ДС Корпорейшн, 2005. - С. 47

III. Статистик тўпламлар ва ҳисоботлар:

45. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий-ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990-2010 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2011-2015 йилларга мўлжалланган прагнозлари: статистик тўплам. Т.: ”O’zbekiston” НМИУ. 2011.
46. Хоразм вилояти статистик кўрсаткичлари (2010-2012йй.).
47. “Урганч Пазанда” хусусий корхонаси статистик ҳисоботлари (2008-2012йй.).

IV. Интернет сайтлари:

48. <http://www.spc.gov.uz/ru/spmanagement/gppredp.html>
49. <http://www.uza.uz/business>
50. <http://www.stat.uz>

51. <http://www.press-service.uz>
52. <http://www.ziyonet.uz>
53. <http://www.google.com>
54. <http://www.book.com>
55. <http://www.pc.uz>
56. <http://www.ceep.uz>
57. <http://www.lex.uz>
58. <http://www.cbu.uz>
59. <http://www.bearingpoint.uz>
60. <http://www.EC.org>
61. <http://www.ski.tuit.uz>
62. <http://www.tseu.uz> TDIU сайти